

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№2/2018(137) 1995 йилдан чиқа бошлаган

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

БОШ МУҲАРРИР:

Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Баходир ДЕХҚАНОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий
аттестация комиссияси
Раёсатининг 2004 йил 17
декабрдаги 110/4-сонли
қарорига асосан ҳуқуқий,
илмий-амалий журнал
ваколати берилган.

Босишга 30.03.2018 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Адади: 5230 нусха.
Буюртма № 135.

МУНДАРИЖА

2. *Ўзбекистон Республикаси Олий суди*

Раёсатининг қарорлари

10. *Суд амалиёти*

39. Х. ЁДГОРОВ

*Оилавий қадриятларни авайлаб-асраш — келажак авлодлар
олдидаги муқаддас бурчимиз*

45. М. НАЗАРОВ

*Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс
унга қандай ўзгаришлар киритилди?*

48. Д. КАМАЛОВА

Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиши

СОДЕРЖАНИЕ

51. Х. АБЗАЛОВА

*Сравнительно-правовой анализ ответственности за
умышленное убийство в странах СНГ*

53. Ж. НЕЪМАТОВ

*Некоторые неточности терминологии в противодействии
организованной преступности*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ

Қ А Р О Р И

2018 йил 25 январь

№ РС-02-18

Тошкент шаҳри

Хўжалик (иқтисодий) судлари томонидан 2015, 2016 йиллар ҳамда 2017 йилнинг биринчи ярмида мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низоларни кўриш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақида

Мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низолар бўйича ишларни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри қўлланилиши ва иш бўйича қонуний суд ҳужжатлари қабул қилиниши келгусида ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлақонли ҳимоя қилинишига замин яратади.

Статистик маълумотларга кўра, мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низолар юзасидан 2015 йилда биринчи инстанция судларида 2 270 та ишлар кўрилган. Шундан 1 894 та ёки 83,4 фоиз ишлар бўйича киритилган даъво аризалари қаноатлантирилган бўлса, 193 таси ёки 8,5 фоизи рад этилган, 99 таси ёки 4,4 фоизи кўрмасдан қолдирилган, 84 таси ёки 3,7 фоизи бўйича иш юритиш тугатилган.

2016 йилда биринчи инстанция судларида 2 206 та ишлар кўрилган. Шундан даъво аризаларининг 1 855 таси ёки 84 фоизи қаноатлантирилган бўлса, 187 таси ёки 8,5 фоизи рад этилган, 88 таси ёки 4 фоизи кўрмасдан қолдирилган, 76 таси ёки 3,5 фоизи бўйича иш юритиш тугатилган.

2017 йилнинг биринчи ярмида биринчи инстанция судлари томонидан 1 309 та ишлар кўрилган. Шундан даъво аризаларининг 1 127 таси ёки 86,1 фоизи қаноатлантирилган, 116 таси ёки 8,9 фоизи рад этил-

ган, 32 таси ёки 2,4 фоизи кўрмасдан қолдирилган, 34 таси ёки 2,6 фоизи бўйича иш юритиш тугатилган.

Суд амалиётини умумлаштириш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, судлар томонидан ижара муносабатларидан келиб чиққан кўйидаги турдаги низолар ҳал этилмоқда: ижара ҳақи бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида; ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисида; ижара шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида; ижарага берилган бинодан мажбурий чиқариш тўғрисида; янги муддатга ижара шартномасини тузишда ижарачининг имтиёзли ҳуқуқини бузилиши билан боғлиқ ва бошқалар.

Мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низоларга оид ишлар судлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Ижара тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Олий хўжалик суди Пленумининг тегишли қарорлари асосида тўғри ҳал этилмоқда.

Бироқ, айрим судлар томонидан мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низоларга оид ишларни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини амалиётда нотўғри қўллаш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Хусусан, ижарага олинган мол-мулк ўз

вақтида қайтарилмаганлиги учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, ижарага берувчи ижарага олинган мол-мулк қайтарилмаганлиги сабабли мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақдан ташқари неустойкани тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлса-да, айрим судлар томонидан тарафлар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бекор қилинганлиги важи билан неустойкани ундириш талабини қаноатлантириш рад этилган.

Агар шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги талаб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 551-моддасига асосан билдирилган бўлса, шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тартиби ҳақидаги махсус норма қўлланилади. Бунда назарда тутиш лозимки, ижарага берувчининг шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги талаби судга ижарага олувчига мажбуриятларни бажариш зарурлиги ҳақидаги ёзма огоҳлантириш юборилганидан кейингина берилиши мумкин. Мазкур талабни бажармаслик низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилмаслик деб баҳоланиши лозим.

Лекин айрим судлар даъвогар томонидан ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этишдан олдин жавобгарга шартномадаги мажбуриятлар ўз вақтида ҳамда лозим даражада бажариш ҳақидаги ёзма огоҳлантириш юборилмаганлигига ўз эътиборини қаратмасдан, шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабни мазмунан кўрмоқда.

Давлат мулкани ижарага бериш марказлари томонидан бир йилдан кам бўлмаган

муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси ушбу марказлар томонидан эмас, балки "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлса-да, кўчмас мулк ижара шартномаларининг "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги ҳолатлари айрим судларнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Тракторлар, трактор тиркамалари, йўлқурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарни ижарага бериш шартномалари нотариал тасдиқланган бўлиши лозим. Нотариал тасдиқланмаган бундай ижара шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Бироқ айрим судлар томонидан нотариал тасдиқланмаган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилмаган техникаларни ва қишлоқ хўжалиги машиналарини ижарага бериш шартномаси асосида қарздорлик суммалари ундирилган.

Хўжалик (иқтисодий) судлари томонидан 2015, 2016 йиллар ҳамда 2017 йилнинг биринчи ярмида мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низоларни кўриш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақидаги маълумотномани муҳокама қилиб, қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, қонунларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Хўжалик (иқтисодий) судлари томонидан 2015, 2016 йиллар ҳамда 2017 йилнинг биринчи ярмида мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низоларни кўриш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақидаги маълумотнома иловага мувофиқ ахборот учун қабул қилинсин.

публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар-аро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари судьяларининг эътибори:	ижарага олинган мол-мулк ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, ижарага берувчи ижарага олинган мол-мулк қайтарилмаганлиги сабабли мол-мулкдан фойдалан-	ганлик учун ҳақдан ташқари неустойкани тўлашни талаб қилишга ҳақлилигига;
		агар шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги талаб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 551-моддасига асосан билдирилган бўлса, шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тартиби ҳақидаги махсус норма
2. Қорақалпоғистон Рес-

қўлланилишига, бунда назарда тутиш лозимки, ижарага берувчининг шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги талаби судга ижарага олувчига мажбуриятларни бажариш зарурлиги ҳақидаги ёзма огоҳлантириш юборилганидан кейингина берилиши мумкинлигига, мазкур талабни бажармаслик низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилмаслик деб баҳоланиши лозимлигига;

давлат мулкани ижарага бериш марказлари томонидан бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси ушбу марказлар томонидан эмас, балки "Ергеодезкадастр" давлат кўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши кераклигига;

шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш заруратини баҳолашда бино (иншоот)ни ижарага бериш шартномасининг амал қилиш муддати жорий йилнинг бирор-бир ойининг 1-санасидан кейинги йилнинг олдинги ойи 30-санасигача (31-санасигача) белгиланганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 574-моддасининг учинчи қисмини қўллаш мақсадида бир йилга тенглаштирилган деб тан олиншига;

муайян мақсадларда берилган ижара объектдан бошқа мақсадларда фойдаланганлик ижарага берилган давлат мулканинг параметрларини нотўғри қайд этганлик деб ҳисоб-

ланмаслигига ҳамда балансда сақловчига нисбатан ижарага берилган давлат мулканинг параметрларини нотўғри қайд этганлик учун ижара тўловини икки баравар миқдоридан ундириш учун асос бўлмаслигига;

номуайян муддатга тузилган бино ва иншоотни ижарага бериш шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмаслигига, бир йилдан кам муддатга тузилган бино (иншоот)ни ижарага бериш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқий муносабатлари бир йилдан ортиқ муддатда давом этса, бундай шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши шартлигига;

тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзюрар машиналарни ижарага бериш шартномалари нотариал тасдиқланган бўлиши лозимлигига, нотариал тасдиқланмаган бундай ижара шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигига;

мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун шартномада неустойка тўланиши белгиланган бўлиб, мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун асосий қарзни ундириш талаби қаноатлантирилган тақдирда, неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асослантирилган бўлса қаноатлантирилиши лозимлигига, бироқ бунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаро-

лик кодексининг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақлилигига қаратилсин.

3. Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Б.Сайфуллаев):

ушбу тоифадаги ишларга оид шикоятлар ва ишларни ўз вақтида кўриб чиқилиши, қонунийлик ва одил судлов фаолиятини таъминлаш юзасидан эътибор ва масъулиятни кучайтирсин;

барча иқтисодий судлар судьялари иштирокида ушбу маълумотномани ўрганиш бўйича 2018 йил февраль ойида видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказсин.

4. Мазкур маълумотнома Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларига унда қайд этилган камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўриш ҳамда амалиётда фойдаланиш учун юборилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Олий суд раисининг ўринбосари Б.Исаков зиммасига юклансин.

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ

Қ А Р О Р И

2018 йил 25 январь

№ № РС-03-18

Тошкент шаҳри

2015-2016 йилларда хўжалик (иқтисодий) судлари томонидан давлат божини ундириш бўйича суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақида

Давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинadиган мажбурий тўлов ҳисобланади.

Судларга мурожаат қилинганда давлат божи тўловининг белгиланиши, биринчидан, асосиз даъволарнинг олдини олишга, иккинчидан, суд харажатларини қоплашга қаратилгандир.

Шу сабабли судлар томонидан давлат божининг тўғри ҳисобланиши, у билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларнинг тўғри қўлланилиши, энг аввало, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига, шунингдек судлар томонидан қилинадиган харажатлар қопланишига хизмат қилади.

Статистик маълумотларга кўра, 2015-2016 йилларда хўжалик (иқтисодий) судларига келиб тушган жами 726 162 та даъво ариза (ариза)ларининг 684 225 таси кўрилган. Биринчи инстанция судида жами кўрилган ишларнинг 36 782 таси бўйича даъво ариза (ариза)лар тақдим этганлик учун олдиндан 21 221,4 млн. сўм, 792,9 минг АҚШ доллари давлат божи тўланган.

Биринчи инстанция судида даъвогар (аризачи)нинг аризасига асосан, шунингдек ортиқча тўланганлиги учун суд қарорларига асосан қайтарилган давлат божи 781 та ишлар бўйича 812,8 млн. сўмни таш-

кил этган.

Кўрсатилган муддатда биринчи инстанция судининг қарорларига асосан 521 252 та ишлар бўйича 364 542 млн. сўм миқдорида давлат божи республика бюджетига ундирилиши белгиланган.

Судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича давлат божини ундириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарорига асосан ҳал қилинмоқда.

Умумлаштириш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, судлар томонидан ишлар бўйича давлат божини ундиришда асосан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси нормалари тўғри қўлланилиб, юқоридаги Пленум қарорида берилган тунтиришларга ҳам тўғри ҳавола қилинмоқда. Шу билан биргаликда, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Хусусан, мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича даъво баҳоси мол-мулкнинг қийматидан келиб чиқ-

қан ҳолда аниқланиши, суд томонидан талаб қилинаётган мол-мулкнинг баҳоси камайтирилган деб топилган ҳолларда ва ишни кўриш давомида мол-мулкнинг ҳақиқий баҳоси аниқланганда, давлат божининг етишмаётган қисми ишни кўриш натижалари бўйича ундирилиши керак бўлса-да, айрим судлар томонидан жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига олдиндан тўланган давлат божини ундириш билан чекланиб, мол-мулкнинг ҳақиқий баҳосини аниқлаш ҳамда давлат божининг етишмаётган қисмини ишни кўриш натижалари бўйича жавобгардан давлат фойдасига ундириш чоралари кўрилмаган.

Шунингдек умумий қоида бўйича ишни кўриш иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим чиқариш билан яқунланганида давлат божи қайтарилмаслиги, иш судга таллуқли бўлмаганлиги муносабати билан иш юритиш тугатилганда, ишда қатнашган шахс вафот этганида ва ушбу низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса, даъвогар низони судгача ҳал этиш (претензия билдириш) тартибига риоя этмаганида, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилганда, ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот тугатилган ҳолларда давлат божи қайтариллиши керак бўлса-да, айрим судлар юқоридаги ҳолатларда давлат божини

қайтариш масаласини ҳал этмаган.

Манфаатдор шахс томонидан битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъво талаблари судлар томонидан иккита мустақил талаблардан иборат бўлган даъволар сифатида кўрилиши керак. Бундай даъволар бўйича давлат божи ҳар бир талаб учун алоҳида тўланиши лозим.

Бунда битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида талаб мулкӣ характерга эғалигидан келиб чиққан ҳолда давлат божи тўланади.

Даъвогар томонидан иккита даъво талаблари, яъни ижара шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъво талаблари билдирилган бўлса-да, айрим судлар томонидан шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъво талаби учун давлат божи ундирилмаган.

2015-2016 йилларда хўжалик (иқтисодий) судлари томонидан давлат божини ундириш бўйича суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақидаги маълумотномани муҳокама қилиб, қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, қонунларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. 2015-2016 йилларда хўжалик (иқтисодий) судлари томонидан давлат божини ундириш бўйича суд амалиётини умумлаштириш натижалари ҳақидаги маълумотнома иловага мувофиқ ахборот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари судьяларининг эътибори: мол-мулкни талаб қилиб

олиш тўғрисидаги даъволар бўйича даъво баҳоси мол-мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланишига, суд томонидан талаб қилинаётган мол-мулкнинг баҳоси камайтирилган деб топилган ҳолларда ва ишни кўриш давомида мол-мулкнинг ҳақиқий баҳоси аниқланганда, давлат божининг етишмаётган қисми ишни кўриш натижалари бўйича ундирилиши кераклигига; бир вақтнинг ўзида мулкӣ ва номулкӣ хусусият-

га эга бўлган даъво аризалари учун мулкӣ хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкалар бўйича ва номулкӣ хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкаларга кўра ҳар бир талаб бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланишига;

манфаатдор шахс томонидан битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги киритилган

даъво судлар томонидан иккита мустақил талаблардан иборат бўлган даъво сифатида кўрилиши, бундай даъволар бўйича давлат божи ҳар бир талаб учун алоҳида тўланишига, бунда битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаб мулкӣ характерга эгалигидан келиб чиққан ҳолда давлат божи тўланишига;

агар даъвогар давлат божи тўловидан озод этилган бўлса, иш бўйича иш юритиш тугатилганда давлат божи ундирилмаслигига;

умумий қоида бўйича ишни кўриш иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим чиқариш билан яқунланганида давлат божи қайтарилмаслигига, иш судга тааллуқли бўлмаганлиги муносабати билан иш юритиш тугатилганда, ишни кўришда қатнашган шахс вафот этганида ва ушбу низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса, даъвогар низони судгача ҳал этиш (претензия билдириш) тартибига риоя этмаганида, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилганда, ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот тугатилган ҳолларда давлат божи қайтарилиши кераклигига;

даъво аризаси учун давлат божи ишда иштирок этмаётган шахс томонидан тўланганда (корхона учун унинг раҳбари ёки таъсисчиси томонидан давлат божи тўланган ҳол-

лар бундан мустасно), давлат божи тўланмаган ҳисобланади ва даъво аризаси Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига асосан қайтарилишига;

даъвогар - кичик бизнес субъектларининг мақоми даъво аризасига илова қилинадиган судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан ўттиз кун олдинги сана қайд этилган статистика органининг маълумотномаси билан тасдиқланишига;

агар судга мурожаат қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўланган бўлиб, даъво талаблари қаноатлантирилганда, ишни кўриш натижаси бўйича жавобгардан ундириладиган давлат божининг миқдори даъвогар томонидан тўлаб чиқилган сумма билан чегараланишига, даъво рад этилган ҳолда давлат божи даъвогардан қўшимча равишда ундирилмаслигига;

давлат божи тўлашни кечиктириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақида даъво аризаси (ариза)ни қабул қилиш тўғрисидаги ажримда, илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида даъво аризаси (ариза)ни қайтариш тўғрисидаги ажримда кўрсатилишига, ажримда илтимосномани қаноатлантириш ёки уни қаноатлантиришни рад

этиш асослари кўрсатилиши кераклигига;

суд ҳужжатларининг дубликатларини берганлик учун ҳужжатнинг ҳар бир саҳифаси учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида чиқарилган ставкалар миқдорида давлат божи тўланишига, бунда суд ҳужжатларининг дубликатларини бериш учун давлат божи уни тўлаш кунда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўланишига қаратилсин.

3. Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати (Б.Сайфуллаев):

бир ой муддатда умумлаштириш натижасида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин;

барча иқтисодий судлар судьялари иштирокида ушбу маълумотномани ўрганиш бўйича 2018 йил февраль ойида видеоконференцалоқа режимда семинар машғулоти ўтказсин.

4. Мазкур маълумотнома Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларига унда қайд этилган камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўриш ва амалиётда фойдаланиш учун юборилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Олий суд раисининг ўринбосари Б.Исаков зиммасига юклансин.

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ

Қ А Р О Р И

2018 йил 25 январь

№ № РС-05-18

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг
Раёсати,

раислик этувчи: К.Камилов,

раёсат аъзолари: Б.Дехканов, Б.Исаков,
Ш.Ахатова, Н.Акбаров И.Алимов ва А.Сиди-
қовдан иборат таркибда, М.Қодировнинг ко-
тиблигида, Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурори ўринбосари Э.Таджиевнинг иш-
тироқида, жиноят ишлари бўйича Шайхон-
тохур туман судининг 2016 йил 14 июндаги
ҳукми билан судланган:

Тоғбегиев Аваз Кирбегиевич, 1960
йил 4 декабрь куни Самарқанд ви-
лоятида туғилган, тожик, Ўзбекистон
фуқароси, маълумоти ўрта, оилали,
5 нафар фарзанди бор, муқаддам
Ургут туман судининг 1995 йил 14
апрелдаги ҳукмига кўра ЖКнинг
(эски тахрирдаги) 132-моддаси бил-
лан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш
жазосига судланиб, 1994 йил 19 ав-
густдаги амнистия актига асосан
жазодан озод қилинган, ишламаган,
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 29-
Култуватор, 29-уйда яшайди, гаров
эҳтиёт чораси қўлланганга

нисбатан жиноят ишини Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий суди раисининг ўринбосари
томонидан назорат тартибида билдирилган
протест асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур ту-
ман судининг 2016 йил 14 июндаги ҳукми-
га кўра, А.Тоғбегиев ЖКнинг 168-моддаси
3-қисми "а" банди билан 7 йил озодликдан
маҳрум қилиш жазосига судланиб, суд за-
лидан қамоққа олинган.

Жабрланувчи Н.Усманов фойдасига
160.000 АҚШ долларининг ҳукм чиқарилган
вақтдаги сўмга нисбатан курси бўйича
469.438.400 сўм ундириш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар
суди апелляция инстанциясининг 2016 йил
15 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз
қолдирилиб, 2013 йил 12 декабрдаги ва 2014
йил 14 ноябрдаги амнистия актларига асо-
сан жазони ўталмай қолган қисми учдан бир
қисмига қисқартирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жи-
ноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг
2017 йил 30 августдаги ажрими билан апел-
ляция инстанциясининг ажрими ўзгартири-
либ, 2013 йил 12 декабрдаги ва 2014 йил 14
ноябрдаги амнистия актларини қўллаш
қисми бекор қилиниб, унга ЖКнинг 168-мод-
даси 3-қисми "а" банди билан ЖКнинг 57
моддаси қўлланиб, 3 йил 1 ой озодликдан
маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра А.Тоғбегиев 2013
йил 7 октябрь куни Н.Усмановга Эрон Дав-
латидан 1600 кг. хандон писта, гажак ва қуруқ
мева маҳсулотларини олиб беришни ваъда
қилиб, уни алдаб жуда кўп миқдордаги
344.320.000 сўмга тенг бўлган 160.000 АҚШ
долларини қўлга киритиб фирибгарлик қил-
ганликда айбли деб топилган.

Протестда А.Тоғбегиевга нисбатан чиқа-
рилган суд қарорларини ўзгартириб, озод-
ликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлма-
ган жазо тайинлаб, жазодан озод қилиш ма-
саласи қўйилган.

Раёсат, иш бўйича Олий суд судьяси А.Ута-
евнинг маърузасини, Ўзбекистон Республи-
каси Бош прокурори ўринбосари Э.Таджи-
евнинг протестни қаноатлантириш ҳақида-
ги берган фикрини тинглаб, иш материал-
ларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга
кўра протестни қаноатлантиришни лозим
топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодек-
сининг 168-моддаси 5-қисми талабига му-
вофиқ, етказилган моддий зарарнинг ўрни
қопланган тақдирда озодликдан маҳрум

қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" ги Қарори 9-бандида, Жиноят кодекси махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра ЖКнинг 168-моддаси ва бошқа моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг қўлланилиши истисно этилиши муносабати билан, қонуннинг мазкур моддаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация, назорат инстанциялари суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъи назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги;

17-бандида, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахс томонидан ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг қопланган тақдирда кассация, назорат инстанцияси суди бу жазо турини ЖК 61, 62-моддаларида назарда тутилган қоидаларга асосан бошқа жазо тури билан алмаштириши лозимлиги белгиланган.

Суднинг ҳукмида А.Тоғбегиевдан жабрланувчи Н.Усмановга жами бўлиб 469.438.400 сўм ундириш белгиланган бўлиб, мазкур зарарни қопланганлиги Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани 8-сонли Давлат нотариал идорасининг нотариуси Н.Алиахунов томонидан тасдиқланган 2017 йил 17 октябрдаги жабрланувчи Н.Усмановнинг етказилган 469.438.400 сўм А.Тоғбегиевнинг қариндошлари томонидан тўлиқ қоплангани, унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даввоси йўқлиги ҳақидаги аризаси билан тасдиқланади.

Шу сабабли, Раёсат А.Тоғбегиевга нисбатан ЖКнинг (эски таҳрирдаги) 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартириб, уни 2016 йил 14 июндан 2017 йил 14 ноябрь кунига қадар 1 йил 5 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаганини (2017 йил 14 ноябрдаги жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг ажримига асосан жазони ўталмаган 1 йил 8 ой қисми ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган) инobatга олиб, ЖКнинг 62-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда жазони ўтаб бўлган деб ҳисоблашни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 478, 484, 490, 491, 496, 519-521-моддаларига амал қилиб, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Тоғбегиев Аваз Кирбеғиевичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2016 йил 14 июндаги ҳукми, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 15 июлдаги ажримлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2017 йил 30 августдаги ажрими ўзгартирилсин.

А.Тоғбегиевга ЖКнинг

168-моддаси 3-қисми "а" банди билан тайинланган 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилсин.

ЖКнинг 62-моддасига асосан 2016 йил 14 июндан 2017 йил 14 ноябрь кунига қадар ўталган 1 йил 5 ой озодликдан маҳрум қилиш

жойларида жазони ўтаганлигини эътиборга олиб, ушбу жазони бир кунини тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 3 кунига тенглаштириб чегириб, тўлиқ ўтаб бўлгани муносабати билан жазодан озод қилинсин.

Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Протест қаноатлантирилсин.

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ**Даъво талабларининг исботланмаганлиги суд қарорини бекор қилишга асос бўлади.**

Даъвогар Д.Каримова жавобгарлар Ф.Таджимуратов ва ИИБга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, жавобгар Ф.Таджимуратовни ўзига тегишли бўлган 16-уйнинг 88-хонадонида рўйхатга қўйилганлигини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманларо судининг 2017 йил 24 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Д.Каримованинг даъво талабларини қаноатлантириш рад қилинган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 29 августдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарори билан даъвогар Д.Каримованинг даъво талаби қаноатлантирилган, жавобгар Ф.Таджимуратовни Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини, Ойбек кўчаси, 16-уйнинг 88-хонадонида рўйхатга қўйилганлиги ҳақиқий эмас, деб топилган.

Аниқланишича, Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини, Ойбек кўчаси, 16-уйнинг 88-хонадони қайд этилган олди-сотди шартномасига асосан Д.Каримовага тегишли бўлиб, мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Жавобгар Ф.Таджимуратов мазкур хонадонга 1998 йил 11 мартда ИИБ ХЧК ва ФРБ томонидан рўйхатга қўйилган ва бу вилоят ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимининг 2017 йил 21 июндаги суднинг сўровига берилган жавоб хати билан тасдиқланган.

Алишер Навоий номидаги маҳалла

фуқаролар йиғини вакиллари томонидан 2017 йил 24 июлда тасдиқланган далолатномада мазкур хонадонда Ф.Таджимуратов, унинг турмуш ўртоғи М.Каримова, ўғли Ф.Таджимуратов, Ш.Таджимуратов доимий яшаб келишлари қайд қилинган.

Ф.Таджимуратовнинг оила аъзолари билан ушбу хонадонда доимий яшаб келаётганлиги судда тарафларнинг тушунтириши билан ҳам тасдиқланган.

Даъвогар Д.Каримова билан жавобгар Ф.Таджимуратов ва унинг оила аъзолари ўртасидаги ушбу хонадон бўйича низолар судларда бир неча марта кўрилган.

М.Каримованинг судлардаги тушунтиришида даъвогар билан опа-сингил эканлиги, мазкур хонадонда 1997 йилдан буён коммунал тўловларни тўлаган ҳолда оила аъзолари билан яшаб келишини, ушбу хонадонни 1997 йилда фуқаро Э.Фомичевдан 800 АҚШ долларига сотиб олиб, олди-сотди шартномасини синглиси Д.Каримованинг номига расмийлаштирилганлиги, ўзи ва оила аъзолари қайнотасига тегишли бўлган уйда яшаб келганлиги, оилавий келишмовчиликлар сабаб уйдан чиқиб шу хонадонга кўчиб ўтганлигини баён қилиб, уйдан кўчириш ва турар жойдан фойдаланиш ҳақидаги даъво талабини рад қилишни сўраган.

Апелляция инстанцияси суднинг хулосалари билан келишмасдан, Ф.Таджимуратов даъвогар Д.Каримованинг розилиги асосида шу хонадонга рўйхатга қўйилганлигини исботлаб бера олмаганлиги унинг рўйхатга қўйилиши ғайриқонуний бўлиб ҳисобланиши, жавобгар Ф.Таджимуратовнинг турмуш ўртоғи ва фарзандлари бошқа манзилда рўйхатда туриши ва жавобгар Ф.Таджимуратовнинг ушбу хонадонда доимий рўйхатга туриб яшаб келиши,

қонун нормалари ва урф-одатларига ҳам мувофиқ келмаслигига асосланиб, суд қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Гарчанд суд жавобгар М.Каримова ва уларнинг фарзандлари бошқа турар жойда доимий руйхатда турганлигини асослаган бўлса-да, суд қарорлари билан жавобгарлар Ф.Таджимуратов, М.Каримова ва уларнинг фарзандларини низоли уйдан мажбурий тартибда кўчирилиши рад қилинганлиги М.Каримова ва фарзандларини юқоридаги қонун талабига мувофиқ низоли турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқлари сақланиб қолганлигини аниқлатади.

Бундан ташқари жавобгар Ф.Таджимуратовнинг низоли хонадонда мулкдорнинг розилигисиз доимий руйхатга қўйилганлиги исботланмаган.

ИИБ томонидан биринчи инстанциянинг сўров хатига тақдим қилинган юқоридаги жавоб хатида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг меъёрий буйруқ талабларига асосан доимий руйхатга қайд этиш учун тўлдирилган 3-шакл аризаларининг сақлаш муддати 5 йил ва 5 йилдан сўнг ички комиссиянинг далолатномасига асосан 3-шакл аризалар йўқ қилинганлиги сабабли ҳужжатларни судга тақдим этишнинг имконияти йўқлиги, доимий руйхатга қайд этиш учун фуқаролар паспорт бўлими ва бўлинмаларига 3-шакл ариза, уйнинг кадастр ҳужжатлари, хонадон эгасининг розилиги, агар хонадон эгаси паспорт бўлимига келишга имконияти бўлмаган тақдирда, давлат нотариал идорасидан доимий руйхатга қайд этишга қарши эмаслиги тўғрисидаги аризасини тақдим этганидан сўнг доимий руйхатга қайд этиш масаласи кўриб чиқилиши маълум қилинган.

Апелляция инстанцияси иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлигига, хусусан, жавобгар

Ф.Таджимуратовнинг даъвогар Д.Каримованинг розилигисиз низоли хонадонда доимий руйхатга қўйилганлигининг тасдиғи топилмаганлигига эътибор қаратмасдан, асоссиз равишда даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Бундан ташқари апелляция инстанцияси суднинг ҳал қилув қарори Фуқаролик процессуал кодексининг 206-моддаси ва Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 13-сонли қарори талабларига риоя қилинмаган ҳолда процессуал хато-камчиликларга йўл қўйилиб чиқарилганлигига эътибор қаратмаган.

Хусусан, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъвони қаноатлантирган бўлса-да, кейинчалик уни ёзувдаги техник хато сифатида 2017 йил 24 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори хулоса қисмининг мазмунини ўзгартириб, даъвони қаноатлантиришни рад қилиш ҳақидаги хулосасида тузатган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 19 февралдаги ажрими билан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2017 йил 24 июлдаги ҳал қилув қарори ва вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 29 августдаги ажрими бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилди.

ФСХ Асосий иш 6-138-18

Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги суднинг қарорини бекор қилиш ёки ўзгартиришга асос бўлади.

К.Юсупов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 1998 йил 20 июнда Т.Аҳмедова билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қургани, икки нафар фарзандли бўлгани, 2006 йил 18 март-

даги туман ҳокимининг 86-сонли қарори билан Т.Аҳмедованинг номига "Халқобод" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 га ер участкаси ажратилгани, пул топиш мақсадида 2006 йилда Россия Федерациясига ишга кетиб, 2008 йил қайтиб келганида Т.Аҳмедова ер участкасини бошқа шахсга сотиб юборганини билганини, ҳозирда Т.Аҳмедова ҳам, ўзи ҳам бошқа билан турмуш қуриб яшаётгани, шу сабабли жавобгарнинг номига ажратилган ер участкасининг 0,02 га қисмини ўзига ажратиб беришни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 24 майдаги ҳал қилув қарорига кўра, К.Юсуповнинг даъво талаблари рад қилинган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 11 июлдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, иш бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилинган. Унга кўра, даъвогар К.Юсуповнинг даъво талаби қаноатлантирилиб, Т.Аҳмедовага тегишли бўлган "Халқобод" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 0,04 га ер участкасининг 1/2 қисми К.Юсуповга ажратиб берилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 23 январдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш бўйича даъво ни рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилди.

Аниқланишича, даъвогар К.Юсупов билан жавобгар Т.Аҳмедова 1998 йил 20 июнда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган, биргаликдаги турмушлари даврида икки нафар фарзандли бўлган.

2006 йил 18 мартдаги туман ҳокимининг 86-сонли қарори билан Т.Аҳмедовага "Халқобод" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 га ер участкаси ажратилган. Ушбу ҳоким қарорига асос 2017 йил 24 майда Т.Аҳмедованинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи дав-

лат рўйхатидан ўтказилиб, унга кадастр гувоҳномаси берилган. Ҳозирги кунга қадар ушбу ер участкасида уй-жой қурилмаган.

Биринчи инстанция суди Т.Аҳмедованинг ер участкасига бўлган ҳуқуқлари К.Юсупов билан оилавий муносабатлари тугагандан кейин вужудга келганлигини асос қилиб, даъво ни рад этиш ҳақидаги хулосага келган.

Апелляция инстанцияси асосли равишда биринчи инстанция судининг бундай хулосаси билан келишмаган бўлса-да, ўзи ҳам хатоликка йўл қўйиб, низоли ер участкаси якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратиб берилганини, ундан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳамда шаҳарсозлик ва бошқа қоидаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин эмаслигини эътиборга олмасдан ер участкасини тарафларга бўлиб берган.

Ваҳоланки, амалдаги Ер кодексининг 10-моддаси 3-5 қисмларига кўра, ер участкаси бўлинадиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин. Ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ва ёнғинга қарши, санитария, экологияга оид, шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири мустақил ер участкасини ташкил этиши мумкин бўлган ер участкаси бўлинадиган ер участкаси ҳисобланади. Фойдаланиш мақсадига кўра, мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлинмайдиган ер участкаси ҳисобланади.

Ушбу кодекснинг 27-моддасига биноан, шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади. Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача доирада ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда кимошди савдоси асосида реализация қилинади.

Бундан ташқари апелляция инстанцияси даъвогар К.Юсупов Россия Федерациясининг фуқароси эканлигини эътибордан четда қолдириб, Т.Аҳмедовага якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкасининг бир қисмини ноқонуний равишда унга бўлиб берган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ер қонунчилиги талабларига кўра, якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

6-1906-17-сонли ажрим

Даъво муддатининг ўтганлиги суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

М.Нурмонов ва бошқалар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2002 йил 6 августда давлат нотариал идораси томонидан ўзларининг мерос улушлари инobatга олинмасдан отонасига тегишли Б.шаҳар, Муқимий кўчаси, 24-уйга нисбатан онаси П.Нурмонованинг номига қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганини, шу сабабли ушбу гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топилгани ҳамда 2002 йил 12 декабрдаги онаси П.Нурмонова билан С.Дадабоева ўртасида тузилган уй-жой олди-

сотди шартномасини бекор қилишни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 30 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарлар М.Нурмонов ва бошқаларнинг даъво талаблари рад қилинган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 27 сентябрдаги ажрим билан суд қарори бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарори билан даъвогарлар М.Нурмонов ва бошқаларнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, давлат нотариал идораси томонидан 2002 йил 6 августда расмийлаштирилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас, деб топилган. Шунингдек, давлат нотариал идораси томонидан 2002 йил 12 декабрда расмийлаштирилган П.Нурмонова билан С.Дадабоева ўртасида Б.шаҳар, Муқимий кўчаси, 24-уй бўйича тузилган олди-сотди шартномаси бекор қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 17 январдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилди.

Аниқланишича, даъвогарларнинг отонаси Б.Нурмонов ва П.Нурмонова 1948 йил қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган, 7 нафар фарзандли бўлишган. Б.Нурмонов 1981 йил 1 декабрда вафот этган.

1997 йил 18 июндаги Б. шаҳар ҳокимининг қарори билан Муқимий кўчаси, 24-уйга нисбатан Б.Нурмоновнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

2002 йил 6 августда давлат нотариал идораси томонидан берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан Б.Нурмоновдан қолган мерос уйга нисбатан унинг турмуш ўртоғи П.Нурмонова меросхўр эканлиги тасдиқланган.

2002 йил 12 декабрдаги нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан, П.Нурмонова ушбу турар

жойни С.Дадабоевага сотган.

2015 йил 29 сентябрдаги уй-жой олди-сотди шартномасига асосан С.Дадабоева уйни Х.Ботировга сотган.

Иш судда кўрилишида, низоли уйнинг охирги мулкдори Х.Ботиров даъвогарлар уч йиллик даъво муддатини ўтказиб юборганлиги сабабли даъво муддатини қўллаб, даъвони рад қилишни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра, умумий даъво муддати — уч йил. Мазкур кодекснинг 153-моддасига биноан, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади. Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтганлиги суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Лекин апелляция инстанцияси ушбу қонун нормаларини ҳамда даъвогарлар қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги юзасидан низолашиш бўйича уч йиллик даъво муддатини узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборганлигини эътиборга олмасдан, биринчи инстанция суди қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Чунки даъвогарлар онаси П.Нурмоновага қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганидан, кейинчалик уй С.Дадабоеванинг номига олди-сотди шартномаси асосида расмийлаштирилганидан 2004 йилда хабардор бўлганлигини ўзларининг даъво аризасида келтириб ўтган. Шундай бўлсада, даъвогарлар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги юзасидан қонунда белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра судга мурожаат қилмаган.

6-2130-17-сонли ажрим

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, баён қилинган хулосалар иш ҳолатларига мувофиқ келмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинди.

Даъвогар Д.Қобилова жавобгарлар М.Эргашева ва бошқаларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзига тегишли бўлган ер майдонида қурилиш қилишга жавобгар М.Эргашева қаршилиқ қилганлигини, шундан кейин унинг савдо дўконини сотиб олишга асос бўлган ҳужжатларни ўрганганида, низоли савдо дўкони ва унинг ер майдони "Тонг савдо" масъулияти чекланган жамиятига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги аниқланганлигини билдириб, "Тонг савдо" масъулияти чекланган жамияти ва "Саида даласи" фермер хўжалиги ўртасида савдо дўкони юзасидан 2008 йил 16 сентябрда тузилган биржа шартномасини, 2014 йил 22 декабрдаги 150-сонли шартномани ҳамда савдо дўкони бўйича берилган тегишли гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2017 йил 26 майдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилган.

Унга кўра, Агросаноат биржаси С.вилоят филиалида "Тонг савдо" масъулияти чекланган жамияти ва "Саида даласи" фермер хўжалиги ўртасида 2008 йил 16 сентябрда тузилган биржа шартномаси ҳамда 2014 йил 22 декабрда "Саида даласи" фермер хўжалиги ва М.Эргашева ўртасида тузилган 150-сонли шартнома ҳақиқий эмас, деб топилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 27 июлдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 6 февралдаги ажрими билан мазкур иш юзаси-

дан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарор чиқарилган.

Аниқланишича, 2004 йил 24 сентябрда Агросаноат биржаси С. вилоят филиали томонидан ўтказилган биржа савдоси натижаларига кўра, "Тонг савдо" масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий ер майдони 225,5 кв.метр бўлган савдо дўкони "Саида даласи" фермер хўжалигига сотилган.

Мазкур дўкон 2008 йил 25 октябрда фермер хўжалигига топширилган ва шу куни шартнома биржа рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома берилган.

2008 йил 4 ноябрда мазкур дўконнинг ер майдони ҳам давлат рўйхатидан ўтказилган.

"Capital Realtor Group" масъулияти чекланган жамияти С. вилоят филиалида 2014 йил 25 декабрда ўтказилган савдо натижалари юзасидан тузилган шартномага кўра, "Саида даласи" низоли савдо дўкони ва қоровулхона биносини М.Эргашевага сотган.

Сариосиё туман ижроия комитетининг 1991 йил 27 декабрдаги 387/11-сонли қарорига кўра, Д.Қобиловага МСО мавзесидаги 1.231 кв.метр ер майдонида жойлашган 6-сонли коттеж 2-хонадонига нисбатан мулк ҳуқуқи белгиланган.

Д.Қобилонинг турар-жойи ва жавобгар М.Эргашевага тегишли савдо дўкони ўртасида жойлашган 9,5 кв.метр ер майдони кимга тегишли эканлиги юзасидан тарафлар ўртасида низо келиб чиққан, шу сабабли даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд даъвони қаноатлантиришда "Тонг савдо" масъулияти чекланган жамияти 2008 йилда савдо дўконини фермер хўжалигига сотиш пайтида савдо дўкони ва ер майдони унга тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслигига асосланган.

Фуқаролик ишини кўриш жараёнида жавобгар М.Эргашева судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогар-

нинг даъво талабига нисбатан даъво муддатини қўллаб, даъвони рад қилишни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 149-моддасига кўра, даъво муддати — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

Мазкур кодекснинг 150-моддасида умумий даъво муддати уч йил қилиб белгиланган.

Шу кодекснинг 153-моддасига кўра, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Юқоридаги кодекснинг 154-моддасига кўра, даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.

Агар даъвогар Д.Қобилова ўзига тегишли ер майдонининг чегарасини белгилаш учун тегишли органларга мурожаат қилганида, унга тегишли ер майдонининг бир қисми жавобгарларга ўтиб кетганлигини билиши мумкин бўлса-да, бироқ судлар мазкур ҳолатларни инобатга олмасдан, унинг даъво талабига нисбатан даъво муддатини қўллагандан даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Чунки савдо дўкони юзасидан 2008 йил 24 сентябрда тузилган шартномани ҳақиқий эмас, деб топишга оид даъво талабига нисбатан даъво муддати қўлланилиши, кейинчалик савдо дўкони бўйича тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топишни рад қилишга асос бўлиши, шунингдек, низоли ер майдонини жавобгар М.Эргашева эгаллаб олганлиги билан боғлиқ бирон-бир далил тақдим қилинмаганлиги суднинг эътиборидан четда қолган.

6-98-18-сонли ажрим

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Шахснинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги айрим моддалар билан реабилитация (оқланишига) қилинишига асос бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судининг 2017 йил 5 июндаги ҳукмига кўра, А.Х. Жиноят кодексининг 186³-моддаси 2-қисми "б" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, 3 йил озодликни чеклаш; 190-моддаси 2-қисми "б" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида — 7.488.750 сўм жарима, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 3 йил озодликни чеклаш ва энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида 7.488.750 сўм жарима жазоларига судланган.

Шунингдек, А.Х.нинг турмуш ўртоғи И.Х. Жиноят кодексининг 186³-моддаси 2-қисми "б" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, 2 йил 6 ой озодликни чеклаш; 190-моддаси 2-қисми "б" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ баравари миқдорида — 5.991.000 сўм жарима; Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 2 йил 6 ой озодликни чеклаш ва энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ баравари миқдорида — 5.991.000 сўм жарима жазоларига судланган.

Иш бўйича олинган ашёвий далиллар — 284 турдаги умумий қиймати 10.015.700 сўмлик сифатсиз дори воситаларини йўқ қилиш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 22 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, Жиноят кодексининг 190-моддаси 2-қисми "б" банди билан Жиноят кодексининг 57-мод-

даси қўлланилиб, А.Х.га энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида — 2.246.625 сўм; унинг турмуш ўртоғи И.Х.га энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида — 1.497.750 сўм жарима жазолари тайинланиб, уларга Жиноят кодексининг 1863-моддаси 2-қисми "б" банди билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Х. турмуш ўртоғи И.Х. билан бир гуруҳ бўлиб, 2016 йил 4 январдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги "Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги 404-сонли ва 2004 йил 6 июлдаги "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 318-сонли қарорлари талабларига кўра, дори воситалари билан шуғулланиш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фаолият учун махсус рухсатномаси-лицензиясига эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланган ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмларга сифатини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатлари бўлмаган тақдирда, уларни тиббиёт амалиётида қўллаш тақиқланганлиги ҳақидаги талабларни бузиб, лицензия олинishi шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан 2016 йилнинг апрель ойидан 2017 йилнинг 4 февраль кунига қадар яшаш уйининг ёрдамчи хўжалик хонасида ноқонуний равишда дори-дармон воситалари савдоси билан шуғулланиб келишган, харидор Б.Ш.га бир дона "Парацетамол", бир дона "Цитрамон" ва икки дона "Доктор-мом" номли дори во-

ситаларини 3.500 сўмга сотган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланиб, дорихона сифатида фойдаланиб келинаётган яшаш уйи хонасидан 284 турдаги умумий қиймати 10.015.700 сўмлик дори воситалари ашёвий далил сифатида олинган.

Ушбу жиноят иши юзасидан келтирилган протестда иш бўйича чиқарилган суд қарорларини ўзгартириш сўралган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, А.Х. ва унинг турмуш ўртоғи И.Х.нинг Жиноят кодексининг 186³-моддаси 2-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликдаги айблари исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, уларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 4-моддасида содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланиши, 13-моддасида қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланиши қайд этилган.

"Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан Жиноят кодексининг 190-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, унга кўра, 190-модданинг 1-қисмида кўрсатилган жиноят учун жиноий жавобгарлик лицензия олинishi шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлган ҳоллардагина келиб чиқади, ушбу модданинг 2-қисми "а" бандида жуда кўп миқдорда лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлик

учун, "б" бандида ушбу қилмиш хавфли рецидивист томонидан, "в" бандида эса, ўша ҳаракат бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланди. Мазкур қонун 2017 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган.

Тергов органи томонидан қайд этиб ўтилган қонун талабларига зид равишда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан жами қиймати 10.015.700 сўмлик дори-дармон воситалари савдоси билан шуғулланган А.Х. ва унинг турмуш ўртоғи И.Х.га Жиноят кодексининг 190-моддаси 2-қисми "б" банди билан айб эълон қилинган.

Биринчи инстанция суди эса, тергов органи томонидан эълон қилинган айбловнинг асослилигини текширмасдан А.Х. ва И.Х.ларга нисбатан айбловнинг мазкур эпизоди бўйича оқлов ҳукми чиқариш масаласини муҳокама қилмаган.

Ўз навбатида, кассация инстанцияси суди иш бўйича йўл қўйилган хатони бартараф этиш чорасини кўрмасдан лицензия олинishi шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз шуғуллангани натижасида олган даромадлари кўп миқдорни ташкил этмаслиги ва қилмишда жиноят таркиби мавжуд бўлмаслигини инobatга олмасдан суд ҳукмининг А.Х. ва И.Х.ни Жиноят кодексининг 190-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбдор деб топиш қисмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Бундай ҳолда иш бўйича чиқарилган суд қарорларининг шу қисмини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 491-моддасида ишни назорат тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди Жиноят кодексини нотўғри қўллагани ёхуд жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгилани аниқланса, суд ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан Жиноят процессуал кодексининг 494-моддаси

талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга зарур ўзгартиришлар киритишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги 12-сонли қарори 23-бандида назорат инстанцияси суди ҳукмни ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда, ҳукмдан айбловнинг бир қисмини (айрим эпизодларини) ёки маҳкумнинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи белгиларни чиқаришга ҳақли эканлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати иш бўйича чиқарилган суд қарорларининг А.Х. ва И.Х.ни Жиноят кодексининг 190-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбдор деб топиш, уларга ушбу модда ҳамда Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида жазо тайинлаш қисмини бекор қилиб, ишнинг шу қисмини Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатишни ҳамда уларга Жиноят кодексининг 186³-моддаси 2-қисми "б" банди билан тайинланган жазоларни ўзгартиришсиз қолдиришни лозим деб топди.

2018 йил 18 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очиқ суд мажлисида А.Х. ва И.Х.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Дехқонобод туман судининг 2017 йил 5 июндаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 22 сентябрдаги ажрими ўзгартирилди.

Суд қарорларининг А.Х. ва И.Х.га Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида жазо тайинлаш ҳамда уларни Жиноят кодексининг 190-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбдор деб топиш қисми бекор қилиниб, ишнинг шу қисми Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилди.

ЖСХ Назорат иш № 5-48-18

Айбдорнинг ҳаракатларида гиёҳвандлик воситасини сотишга қасди аниқланмаганлиги учун суд қарорлари ўзгартирилди, қонунга хилоф равишда сақлаш учун жиний жавобгарликни назарда тутувчи моддага қайта квалификация қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2016 йил 24 февралдаги ҳукмига кўра, А.Б. Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

А.Я. Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

С.К. Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди кассация инстанциясининг 2016 йил 30 июндаги ажрими билан ҳукмнинг А.Б.га, 2017 йил 20 апрелдаги ажрими билан А.Я.га, 2017 йил 1 июндаги ажрими билан С.К.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур ҳукм билан Т.Б. ҳам судланган бўлиб, ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Б., А.Я., С.К.лар олдиндан ўзаро тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2015 йил 4 декабрь куни соат 20.30 ларда Т.Б.дан 2 миллион сўмга сотиб олишга келишиб, 300 минг сўмини бериб, А.Б. бошқарувидаги "Кобальт" русумли "80 G 099 HA" давлат рақамли автомашинасида олиб келишгаётган 8 дона гургурт қутига қадоқланган 26,87 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситаси ИИБ ходимлари томонидан аниқланиб, улар қонунга хилоф равишда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини со-

тишга суиқасд қилганликда айбдор деб топилган.

Суд А.Б., А.Я., С.К.лар томонидан содир этилган жиноят тафсилотини тўғри аниқлаб, уларнинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган, бироқ уларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатоликка йўл қўйган.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келган қарама-қаршиликларни бартараф қилиш, судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги қайд этилган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказишга (Жиноят кодекси 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаби ҳамда Олий суд Пленуми қаро-

ри тушунтиришларига риоя қилинмаган.

А.Б. дастлабки тергов ва судда 2015 йил 4 декабрь куни соат 18 ларда А.Я. наша топиб чекишни таклиф қилгани учун Т.Б. билан телефон орқали гаплашиб, сўнг у билан учрашгани, Т.Б. автомашинасида унга нархи 2 миллион сўм бўлишини айтиб, қора целлофан пакетдаги 8 дона гугурт қутисида гиёҳвандлик воситасини бергани, унга бунча пули йўқлигини билдирганида, пул топганда беришини айтгани, унга А.Я. бир қути наша учун берган 300 минг сўмни бериб, нашани ўзлари истеъмол қилиши учун олиб кетгани, сотиш ниятлари бўлмагани, 2 декабрь куни ҳам ундан бир қути нашани 300 минг сўмга сотиб олиб бирга чекишгани ҳақида кўрсатма берган.

Судланганлар А.Я. ва С.К. ҳам судланган А.Б.нинг кўрсатмасига ўхшаш мазмунда кўрсатма беришган.

Судланган Т.Б. дастлабки тергов ва судда А.Б. билан унга наша керак бўлиб қолган вақтда учрашиб тургани, 2015 йил 4 декабрь куни қўнғироқ қилгач, учрашиб, унга 8 дона гугурт қутидаги нашани 2 миллион сўмга сотгани, у ёнида бунча пули йўқлигини айтганида, унга ишонгани учун қолганини кейин беришини айтгани, у рози бўлиб, 300 минг сўм бериб кетгани, 2 декабрь куни ҳам унга 300 минг сўмга бир қути наша бергани ҳақида кўрсатма берган.

Иш ҳужжатларига қараганда, судланганлар Бухоро шаҳрининг Мирдўстим кўчасидаги савдо дўкони ёнида тўхтаб, харид қилиш учун дўконга кирган вақтларида ИИБ ходимлари томонидан текширилиб, Т.Б.дан сотиб олинган қора целлофан пакетдаги 8 дона гугурт қутисидаги "марихуана" гиёҳвандлик воситалари автомашина салонидан олинган.

Ишда А.Б., А.Я., С.К.ларнинг гиёҳвандлик воситасини бирон-бир шахсга сотишга ёки ўтказишга суиқасд қилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Дастлабки тергов органи ва суд судланганлар гиёҳвандлик воситаларини

Т.Б.дан гугурт қутиларига қадоқланган ҳолда сотиб олганини эътибордан четда қолдириб, гиёҳвандлик воситаси уларнинг истеъмолидан ортиқча миқдорда топилгани ва маълум ўлчамда қадоқлангани, улар гиёҳвандлик касалига чалинмагани ҳақидаги экспертиза хулосаларини инобатга олса-да, бироқ улар бу гиёҳвандлик воситаларини қай тарзда кимга сотишга суиқасд қилишганини асослантормаган.

Кассация инстанцияси суди ҳам бу ҳолатларни ҳамда шикоятлар важларини муҳокама қилмасдан суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган.

Бундай ҳолда А.Б., А.Я., С.К.ларнинг ҳаракатларида кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотишга суиқасд қилиш жинояти аломатлари мавжуд деб бўлмади.

Шу сабабли судлов ҳайъати иш бўйича тўпланган далилларга кўра А.Б., А.Я., С.К.ларга оид суд қарорларини ўзгартириб, уларнинг кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадисиз қонунга хилоф равишда сақлаганликлари тасдиқланганлигини инобатга олиб, ҳаракатларини Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисмидан мазкур кодекснинг 276-моддаси 2-қисми "а" бандига қайта квалификация қилиб, шу модда санкцияси доирасида жазо тайинлашни, мазкур жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киргани ва 2016 йил 12 октябрдаги амнистия акти таъсирига тушгани учун уларга мазкур амнистия актини татбиқ этишни лозим топди.

2018 йил 1 февраль куни Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очиқ суд мажлисида А.Б., А.Я., С.К.ларга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2016 йил 24 февралдаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди кассация инстанциясининг 2016 йил 30 июндаги А.Б.га, 2017 йил 20 апрелдаги А.Я.га, 2017 йил 1 июндаги С.К.га нисбатан чиқарилган ажримлари ўзгартирилиб, А.Б.,

А.Я., С.К.ларнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисмидан 276-моддаси 2-қисми "а" бандига қайта квалификация қилинди.

А.Б., А.Я., С.К.ларга Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а" банди билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Олий Мажлис Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори 2-бандига асосан жазодан ва жазони ижро этиш муассасасидан қамоқдан озод қилинди.

ЖСХ Назорат иши № 5-55-18

Айбдорнинг ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилишдан иборат ҳаракатлари талончилик билан нотўғри квалификация қилинганлиги суд қарорларини ўзгаришига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2012 йил 21 декабрдаги ҳукмига кўра, Б.Ю. Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми "в" банди билан — 8 йил 6 ой, 166-моддаси 4-қисми "в" банди билан — 10 йил, 227-моддаси 2-қисми "а" банди билан — 2 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актига асосан, жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2013 йил 13 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатининг 2014 йил 14 августдаги қарори билан ҳукм ўзгартирилиб, Б.Ю.га нисбатан амнистия актини қўллаш қисми чиқарилиб, Жиноят кодексининг 166-моддаси 4-қисми "в" банди билан шу кодекснинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб,

169-моддаси 4-қисми "в" банди ва 227-моддаси 2-қисми "а" банди билан тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилган, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.Ю. ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида М.Ж. ва бошқа шахслар билан уюшган гуруҳга бирлашиб, 2011 йил 20 февралга ўтар кечаси Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ 15-дахаси, 7-уй олдида турган жабрланувчи Т.К.га тегишли "Ласетти" русумли "01 W 223 GA" давлат рақамли автомашина салонидан баҳоси 1.500.000 сўмлик "Пионер" русумли автомагнитола ва 1.500.000 сўмлик "Булгари" атирини ўғирлаганликда;

Б.Ю. уюшган гуруҳ таркибида жиний ҳаракатларини давом эттириб, 2011 йил 6 июнга ўтар кечаси жабрланувчи Ф.Т.га тегишли автомашина салонидан сигнализация мосламаси ва 30.000 сўмни;

2011 йил 15 июлга ўтар кечаси жабрланувчи Б.Б.га тегишли автомашина салонидан 9.500.000 сўмни ўғирлаб, Қ.Р.га тегишли фуқаролик паспортини эгаллаб, нобуд қилганликда;

2011 йил 17 сентябрга ўтар кечаси жабрланувчи Ф.Х.га тегишли автомашина салонидан 1.735.000 сўмни;

2011 йил 30 сентябрга ўтар кечаси жабрланувчи А.Т.га тегишли автомашина салонидан 100 АҚШ доллари ва 2.000 Хитой юанини;

2011 йил 14 октябрга ўтар кечаси жабрланувчи М.И.га тегишли автомашина салонидан 100.000 сўм, бир дона "Нокиа" русумли уяли телефон аппарати ва бир дона овоз кучайтириш мосламасини; жабрланувчи Т.Ш.га тегишли автомашина салонидан 2.000 АҚШ доллари ва 110.000 сўмни, жабрланувчи Л.Х.га автомашина салонидан 8.000.000 сўмлик тилла занжир, 110.000 сўм ва 60.000 сўмлик болалар куртқасини;

2012 йил 12 март кунига ўтар кечаси жабрланувчи Д.Б.га тегишли авто-

машина салонидан икки жуфт жами 900.000 сўмлик оёқ кийимларини;

2012 йил июнь ойи ўрталарида кечаси жабрланувчи Б.Б.га тегишли автомашина салонидан 500.000 сўмни;

2012 йил 29 июнь кунига ўтар кечаси жабрланувчи Н.У.га тегишли автомашина салонидан 200.000 сўм ва 250.000 сўмлик бўлган қуёш нурига қарши кўзойнакни;

2012 йил 12 июль куни соат 18 ларда жабрланувчи Э.А.га тегишли автомашина салонидан бир дона "Нокиа 6700" русумли, нархи 550.000 сўмлик уяли телефон аппаратини;

2012 йил 17 июль кунига ўтар кечаси жабрланувчи В.С.га тегишли автомашина салонидан 1.200.000 сўм, 700 АҚШ доллари ва 150.000 сўмлик "Самсунг" уяли телефон аппаратини;

2012 йил 24 июль куни соат 12:40 ларда жабрланувчи С.Д.га тегишли автомашина салонидан 200.000 сўмлик барсетка, 10.000 сўмлик телефон қувватлантирувчи мосламани яширин равишда талон-торож қилганликда ҳамда офицерлик гувоҳномаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, автомашина техник паспорти, овчилик билети, суғурта полисларини эгаллаганликда;

шунингдек, Б.Ю. уюшган гуруҳ таркибида жиний ҳаракатларини давом эттириб, 2011 йил 13 октябрь кунига ўтар кечаси Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, 5-даха, 17-уй олдида жабрланувчи О.Э.га тегишли "Ласетти" русумли автомашина салонидан бир дона 400.000 сўмлик чемодан, бир дона 250.000 сўмлик соч қуритиш мосламаси ҳамда жами нархи 200.000 сўмлик 6 дона тароқларни эгаллаган вақтида жабрланувчи О.Э. ва бошқалар томонидан уларнинг жиний ҳаракатлари фош этилган пайтда воқеа жойидан яширинганликда айбдор деб топилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Б.Ю.нинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлсада, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 166-моддасида

ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги "Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 6-сонли қарори 2-бандида ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолинганига қарамасдан айбдор томонидан мулкка эгалик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб қилинган ҳаракатлар талончилик деб тавсифланиши;

зўрлик ишлатиш ҳаракатлари айбдор томонидан ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиши тугагандан кейин қўлга тушишдан қутулиш мақсадида содир этилган бўлса, бундай ҳаракат талончилик деб қаралмаслиги, зўрлик ишлатишнинг хусусияти ва келиб чиққан оқибатларга қараб қилмишни ўғирлик деб, бошқа жиноятларнинг белгилари бўлганда жиноятлар мажмуи бўйича тавсифлаш лозимлиги;

Суд ҳукми чиқарилган вақтида амалда бўлган Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида судларнинг эътибори Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, бунда Жиноят процессуал кодексининг 26 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асослантирилган бўлиши, 5-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши, судланувчи-

нинг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантирилган ҳолда кўрсатилиши, ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини фош қиладиган, оқлайдиган далилларга асосланганда суд уларнинг мазмунини очиб ташлаши ва тегишли баҳо бериши лозимлиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талабларига ҳамда Олий суд Пленуми тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Судланган Б.Ю. дастлабки тергов ва судда айбига иқрорлик билдириб, 2012 йил июнь ойидан бошлаб М.Ж. ва бошқалар билан бирга Тошкент шаҳрининг турли ҳудудларида автомашинадан ҳар хил буюмларни ўғирлаш билан шуғулланиб келганлиги, жумладан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-даҳа, 37-уй олдида "Ласетти" русумли автомашина салонидан 500.000 сўм, Яккасарой тумани, Бобур кўчасида "60" рақамли автомашина салонидан 935.000 сўм пул ўғирлагани ҳақида кўрсатмалар берган.

Жабрланувчи О.Э. терговда берган кўрсатмасида укаси А.Э. 2011 йил 13 октябрь куни яшаш хонадонининг кириш йўлаги олдида турган автомашинада нотаниш шахслар ўтирганини айтгани, бирга ташқарига чиққанларида автомашинада ҳеч ким йўқлиги, укаси А.Э. ва Ш.Э.лар 322-сонли ўрта мактаб томонга кетишгани, ўзи автомашинанинг олдида келганида қўлфи очик бўлгани, шунда автомашина салонидан бир дона 400.000 сўмлик чемодан ва унинг ичида бўлган бир дона 250.000 сўмлик соч қуритиш мосламаси ҳамда 6 дона жами 200.000 сўмлик тароқлар ўғирлаб кетилганини билгани; укалари қайтиб келиб, тўрт нафар шахсларнинг югуриб кетишаётганини, уларнинг қўлида унга тегишли чемодан борлигини кўрганликларини айтишганини баён қилган.

Гувоҳ А.Э. терговда 2011 йил 13 октябрь куни яшаш хонадонининг кириш йўлаги олдида турган акаси О.Э.нинг автомашинасида нотаниш шахслар ўтирганини кўриб, акаси ва укаси Ш.Э. билан бирга ташқарига чиқишгани, укаси Ш.Э. билан мактаб томонга борганларида тўрт нафар нотаниш йигитлар югуриб кетишаётгани, уларнинг қўлларида чемодан борлигини кўриб, чемоданни ташлаб кетишларини сўрашганида, ўша йигитлар югуриб қочиб кетганликлари ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ Ш.Э. ҳам тергов даврида гувоҳ А.Э.нинг кўрсатмаларига мазмунан ўхшаш кўрсатма берган.

Иш ҳолатига кўра, Б.Ю. жиний шериклари М.Ж. ва бошқалар билан уюшган гуруҳга бирлашиб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жиний фаолият билан шуғулланиб келиб, 2011 йил 13 октябрь кунига ўтар кечаси Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, 5-даҳа, 17-уй олдида жабрланувчи О.Э.га тегишли "Ласетти" русумли автомашина салонидан бир дона 400.000 сўмлик чемодан, бир дона 250.000 сўмлик соч қуритиш мосламаси ҳамда 6 дона жами 200.000 сўмлик тароқларни яширин равишда талон-торож қилиш йўли билан қўлга киритиб, воқеа жойидан қочиб кетаётган вақтида А.Э. ва Ш.Э.лар уларнинг орқасидан бориб, олган нарсаларини қайтаришни сўрашганида улар яширинишган.

Жиноят иши материалларида Б.Ю.нинг жабрланувчи О.Э.нинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Суд қайд этилган ҳолатларни инобатга олмаган ва жабрланувчи О.Э.га тегишли мулкнинг талон-торож қилинганлиги эпизоди бўйича Б.Ю.ни талончилик жинояти содир этганликда айбдор деб топиш ҳақида асоссиз хулосага келган. Ушбу ҳолатлар кассация инстанцияси суди ва раёсатининг эътиборидан ҳам четда қолган.

Бундай ҳолда суд қарорларининг шу қисмини қонуний ва асосли деб бўл-

майди. Шу сабабли судлов ҳайъати Б.Ю.нинг уюшган гуруҳ таркибида О.Э.га тегишли мулкларни такроран, яширин равишда ўғирлик йўли билан талон-торож қилганликда ифодаланган ҳаракатларини Жиноят кодексининг 166-моддаси 4-қисми "в" бандидан шу кодекснинг 169-моддаси 4-қисми "в" бандига қайта квалификация қилиб, Жиноят кодексининг 33-моддасига асосан, Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, унга нисбатан Жиноят кодексининг 227-моддаси 2-қисми "а" банди билан тайинланган жазони ўзгаришсиз қолдириб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил қилмишига мувофиқ меъёрда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб топди.

2018 йил февраль ойининг 15 куни Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очик суд мажлисида Б.Ю.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2012 йил 21 декабрдаги ҳукми, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2013 йил 13 июндаги ажрими ҳамда шу суд раёсатининг 2014 йил 14 августдаги қарори ўзгартирилиб, Б.Ю.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 166-моддаси 4-қисми "в" бандидан шу кодекснинг 169-моддаси 4-қисми "в" бандига қайта квалификация қилинди.

Б.Ю.га Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми "в" банди билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Б.Ю.га Жиноят кодексининг 227-моддаси 2-қисми "а" банди билан тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи бўйича 8 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

ЖСХ назорат иши № 5-31-18

МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

Содир этилган ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятга эгаллиги шахсни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасига биноан маъмурий жавобгарликдан озод этишга асос бўлди.

Тошкент шаҳар Яшнобод туман маъмурий судининг 2017 йил 11 июлдаги қарорига асосан, Муродулло Таджибаевга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида 1.497.775 сўм жарима жазоси тайинланган.

Тошкент шаҳар маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 9 августдаги қарори билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарорига кўра, М.Таджибаев 2017 йил 1 июль куни Яшнобод тумани "Тонг" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Тўраевга тўхмат қилиб, унинг шахсини шарманда қилувчи уйдирмалар тарқатган.

М.Таджибаевнинг шикоятда ўзига нисбатан чиқарилган суд қарорларидан норозилиги, унинг тақдим этган далиллари судда текширилмагани ҳақида важларни келтириб, ишни қайта кўриб чиқишни сўраган.

Ҳуқуқбузар М.Таджибаев судда маҳалласида яшовчи аёллардан "Тонг" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Тўраев фуқаро А.Галкинага ҳокимиятга тегишли бўлган уйни олиб бергани ва улар ушбу уйда учрашиб туришини эшитгани ва бу ҳақда 2017 йил 1 июль куни маҳалла фаоли А.Ниёзовга айтганлиги, бу гапларни у ғаразли ниятда ёки ўртада низо келтириб чиқариш мақсадида айтмагани, Р.Тўраевни шарманда қилишни хоҳламагани, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчидан кечирим сўраши ҳақида кўрсатма берган.

Суд ҳуқуқбузар М.Таджибаевнинг хара-

катини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан тўғри квалификация қилиб, унга жазо тайинлашда ушбу кодекснинг 33-моддасини қўллаб, энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаган бўлса-да, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳамда иш ҳолатини етарлича баҳоламасдан унга қилмишига нисбатан оғирроқ жазо тайинлаган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши қайд этилган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 22-сонли қарори 8-бандининг 2-қисмида, судья содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли деган хулосага келган тақдирда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21, 308¹-моддаси ва 310-моддаси иккинчи қисми талаблари асосида ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, ишни юритишдан тугатади ва уни огоҳлантириш билан чегараланиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, М.Таджибаев муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон, қарамоғидаги 2 нафар фарзандининг 1 нафари вояга етмаган ҳамда яшаш жойидан ижобий тавсифланган.

Шундай ҳолатда кассация инстанцияси М.Таджибаевнинг шикоятда баён этган важларни, у тақдим этган ҳужжатлар асосида тайинланган жазони енгиллаштириш чораларини кўрмасдан биринчи инстанция судининг қарорини ўзгаришсиз қолдириб хатоликка йўл қўйган.

Бундай ҳолатда М.Таджибаевга нисба-

тан тайинланган жазони асосли деб бўлмайди.

Шу сабабли суд ишда тўпланган далиллар ва ҳужжатлар асосида М.Таджибаевнинг жавобгарлигини энгиллаштирувчи ҳолатларни, яъни қилмишидан тегишли хулоса чиқаргани, жабрланувчидан кечирим сўрагани, унинг шахси, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганлиги, оилавий шароити, моддий аҳволи ҳамда яшаш жойидан ижобий тавсифланганини инобатга олган ҳолда ва қонуннинг инсонпарварлик тамойилига риоя қилган ҳолда, суд қарорларини ўзгартириб, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни кам аҳамиятли деб ҳисоблаб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасини қўллаб, уни жавобгарликдан озод қилиб, огоҳлантириш билан кифояланишни лозим топди.

2017 йил 15 декабрда Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан Таджибаев Мурадулла Султанмахмудовичга нисбатан чиқарилган Яшнобод туман Маъмурий судининг 2017 йил 11 июлдаги қарори ҳамда Тошкент шаҳар маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 9 августдаги қарори ўзгартирилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан ушбу кодекснинг 33-моддасига асосан тайинланган энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридagi 1.497.750 (бир миллион тўрт юз тўқсон етти минг етти юз эллик) сўм жарима жазоси бекор қилинди ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасига асосан маъмурий жавобгарликдан озод қилиниб, огоҳлантириш билан кифояланилди.

Назорат иши № МИБ-520-17

Суд ишни кўришда барча қарама-қаршиликларни бартараф этиш чорасини кўриши, иш юзасидан зарур аҳамиятга эга бўлган гувоҳларни сўроқ қилинмаганлиги учун иш қайта юборилган.

Самарқанд туман маъмурий судининг

2017 йил 3 июлдаги қарорига асосан, Адолат Раҳимовага Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддаси билан ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланиб, энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида, яъни 149.775 сўм жарима жазоси тайинланган.

Самарқанд вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 28 июлдаги ҳал қилув қарори билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг қарорига кўра, А.Раҳимова 2017 йил 20 май куни Самарқанд шаҳар, Ҳамид Олимжон 1-берк кўчаси, 15-уйда укаси И.Раҳматов ва келини Р.Шариповани ҳақорат қилиб, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситган.

А.Раҳимованинг шикоятда ўзига нисбатан чиқарилган қарор асоссизлиги, ишдаги далолатномада у И.Раҳматов ва Р.Шариповани ҳақорат қилганлиги қайд этилмагани, биринчи ва кассация инстанцияси судлари унинг важларини ҳамда иш ҳолатларини синчиклаб текширмасдан уни айбдор деб топиб, асоссиз хулосага келганлиги баён қилиниб, унга нисбатан маъмурий ишни тугатиб, И.Раҳматов ва Р.Шариповалар уни ҳақорат қилганлиги сабабли уларга нисбатан қонуний чора кўриш сўралган.

Қуйидаги асосларга кўра, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, маъмурий ишни янгидан кассация инстанцияси судида кўриш учун юборилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276-моддаси 1-қисмида, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахс уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлаши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 октябрдаги "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд

амалиёти тўғрисида"ги қарори 10-бандида ҳуқуқбузарликнинг содир этилганлиги ва бунда шахснинг айбдорлик масаласини муҳокама қилишда судья тақдим қилинган ҳужжатлар билан чегараланмасдан заруратга қараб қўшимча далиллар талаб қилиш, ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган мансабдор шахс, жабрланувчи ва гувоҳларни чақириш, экспертизалар тайинлаш, ашёвий далилларни кўздан кечириш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, А.Раҳимовани ҳуқуқбузарлик содир этган деб топиш тўғрисидаги хулосага келинишига жабрланувчи И.Раҳматов ва Р.Шарипова ҳамда уларнинг қўшнилари М.Маҳмудова ва Ф.Набиевнинг тушунтиришлари асос бўлган. Жумладан, А.Раҳимова суриштирувда 2017 йил 20 май куни соат 16:40 ларда Самарқанд шаҳар, Ҳ.Олимжон 1-берк кўчаси, 15-уйга дугонаси билан келганида укаси И.Раҳматов ва келини Р.Шарипова уни ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилгани ҳақида тушунтириш берган.

И.Раҳматов суриштирув жараёнида 2017 йил 20 май куни Самарқанд шаҳар, Ҳ.Олимжон 1-берк кўчаси, 15-уйга опаси А.Раҳимова келиб уни ва турмуш ўртоғи Р.Шариповани ҳар-хил сўзлар билан ҳақорат қилгани ҳақида тушунтириш берган.

Р.Шарипова эса, тушунтиришида А.Раҳимова уни 2017 йил 22 май куни ҳақоратлагани ва ўзи билан бир нота ниш аёлни олиб келгани, ўша аёл кўлидаги фотокамера билан уларнинг уйини суратга олганини баён қилган.

М.Маҳмудова ўз тушунтиришида қўшниси И.Раҳматов опаси А.Раҳимова билан кўп йиллардан буён уй-жой масаласида тортишиб келиши, охириги марта 2017 йил 22 май куни А.Раҳимова бир нотаниш аёл билан бирга келиб, бақириб жанжал қилганини эшитганини баён қилган.

Ф.Набиев эса, тушунтиришида 2017 йил 20 май куни соат 18:00 ларда ишдан келгани, қўшнисининг эшиги олдида турганида уларнинг уйида бир аёл киши бақириб жанжал қилиб И.Раҳматов ва унинг оиласини ҳақорат қилаётганлигини эшитгани, кейинчалик билишича, бу аёл А.Раҳимова эканлигини баён қилган.

Шунингдек, профилактика инспектори Ш.Суяровнинг 2017 йил 20 майдаги холислар М.Ибодуллаев ва С.Бобоқулова иштирокида тузган далолатномасида 2017 йил 20 май куни Самарқанд шаҳар, Ҳ.Олимжон 1-берк кўчаси, 15-уйда бўлган жанжал вақтида А.Раҳимова укаси И.Раҳматов ва Р.Шариповани ҳақорат қилганлиги қайд этилган.

Биринчи инстанция суди А.Раҳимованинг судда айбсизлиги ҳақида келтирган важларини тўлиқ текширмаган, ҳолат бўйича суриштирув жараёнида тушунтириш берган Ф.Набиев бу жанжални 2017 йил 20 май куни соат 18:00 лардан кейин эшитганини баён қилган бўлса, М.Маҳмудова эса, жанжални 2017 йил 22 май куни эшитганлиги ҳақида тушунтириш берган. Суд эса, ушбу кўрсатмалардаги қарама-қаршиликларга баҳо бермаган, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир бўлган вақтда бевосита иштирок этган А.Раҳимованинг дугонаси (Абдусаломова Фотима) ва бошқа гувоҳларни судга чақириш чораларини кўрмасдан, уларни судда сўроқ қилиш йўли билан иш ҳолатига ойдинлик киритмаган.

Бундай ҳолатда биринчи инстанция суди иш тафсилотларини атрофлича текшириб, ҳуқуқбузар, жабрланувчи ҳамда гувоҳнинг кўрсатмалари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартаараф этиш чорасини кўрмасдан, ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқламасдан А.Раҳимовани ҳуқуқбузарлик содир этган деб барвақт хулосага келган.

Кассация инстанцияси суди ҳам А.Раҳимованинг шикоятда баён этилган "гувоҳ М.Маҳмудова суриштирувда берган тушунтириш хатини тасдиқламаслиги, буни участка нозири ёзгани, унга

ўқиб бермасдан қўл қўйдирганини баён қилгани, худди шундай Ф.Набиев ҳам буни тасдиқлашини билдириб, уларни судга чақириб сўроқ қилиш" ҳақидаги важларини тўлиқ текшириш орқали биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни ваколоти доирасида бартараф қилиш чораларини кўрмай қарорни ўзгаришсиз қолдирган.

Бундай ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган кассация инстанцияси судининг қарорини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 321-моддаси 2-қисмида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун орган (мансабдор шахс) томонидан ишнинг тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши, орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ва ушбу кодекс Махсус қисмининг қўлланилган нормалари ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши, қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос бўлиб ҳисобланиши қайд этилган.

Шу сабабли суд А.Раҳимовага нисбатан чиқарилган кассация инстанцияси суди қарорини бекор қилиб, маъмурий ишни янгидан шу инстанцияда кўриш учун юборишни лозим деб топди.

Ишни янгидан кассация инстанция судида кўришда иш бўйича барча ҳолатлар ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилгач, иш бўйича қонуний ва асосли хулосага келиш лозим бўлади.

2018 йил 5 январда Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан Раҳимова Адолат Раҳимовнага нисбатан чиқарилган Самарқанд вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 28 июлдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, Маъмурий ҳу-

қуқбузарлик тўғрисидаги иш янгидан Самарқанд вилоят маъмурий суди кассация инстанциясида кўриш учун юборилди.

Назорат иши № 7-12-18

Суд қарори таҳминларга эмас, балки аниқ далилларга асосланиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2015 йил 5 январдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман судининг 2014 йил 27 ноябрдаги қарори билан С.Нурманов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 170-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилган ва ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари, яъни 215 270 сўм жазима жазосига тортилган.

Ашёвий далиллар, Халқ банкнинг Нукус филиалига топширилган 30 Россия рубли ва СВОЖДЛҚҚД Қорақалпоғистон Республика бошқармасига топширилган 9 725 400 Ўзбекистон сўми давлат фойдасига мусодара қилинган.

Суд қарорига кўра, С.Нурманов 2014 йил 29 сентябрь куни Тўрткўл тумани савдо комплексида валюта қимматликларини ноқонуний равишда олиш ва сотиш билан шуғулланиб тургани ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган ходимлари томонидан аниқланиб, ундан 30 Россия рубли ва 9 725 400 Ўзбекистон сўми ашёвий далил тариқасида олинган.

С.Нурмановнинг шикоятда у валюта қимматликлар олди-сотдиси билан шуғулланмаслигини, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси деб кўрсатилган ҳолатда у тоғасига тегишли бўлган пул маблағига мебель олиш учун бозорга боргани, шунда уни ички ишлар органига олиб бориб, валюта қимматликлари билан савдо қилиши ҳақида ариза ёзишга мажбур қилганликларини, валюта сотганлиги далиллар билан исботланмаслиги баён қилиниб, суд қарорини бекор қилиб, маъмурий иш бўйича иш юритишни тугатишни сўраган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 170-моддасига асосан, валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, валюта бойликларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённоманинг ҳуқуқбузарлик ҳодисасини баён қилиш қисмида 2014 йил 29 сентябрь куни фуқаро С.Нурманов ноқонуний равишда чет эл валютасини олиб сотиш билан шуғулланиш мақсадида юрган вақтида ушланганлиги кўрсатилган.

С.Нурмановнинг валюта қимматликларини олиб сотганлиги ҳолатининг далили сифатида фақат гувоҳларнинг тушунтириш хатлари тақдим этилган. Ушбу гувоҳларнинг тушунтиришларида С.Нурмановнинг валюта қимматликлари олди-сотдиси билан шуғулланганига гувоҳи бўлганликлари билдирилмаган. Гувоҳлар фақат С.Нурмановнинг сумкасида валюта қимматликлари борлиги ҳақида гувоҳлик беришган.

Бундай ҳолатда С.Нурмановнинг валюта олди-сотдиси билан шуғулланганлик ҳолати тахминларга асосланган бўлиб, унинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги далиллар билан исботланмаган.

С.Нурманов ўзининг тушунтиришида бозорга валюта қимматликлари олди-сотдиси билан шуғулланиш учун борганлигини билдирган. Шундай бўлса-да, шахснинг ўз тушунтиришлари унинг ўзини айблаш учун қабул қилиш мумкин эмаслиги, шунингдек, бу тушунтириш билан С.Нурмановнинг валюта қимматликлари олди-сотдисини амалга оширганлигини тасдиқламаслиги сабабли С.Нурмановнинг тушунтиришини далил сифатида қабул қилиб бўлмайди.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги "Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида"ги 8-сонли қарори 4 ва 5-бандларига кўра, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш деб Ўзбекистон Республи-

каси ҳудудида ушбу ҳаракатлар содир этилган вақтда валюта қимматликларини ўрнатилган тартибларни бузган ҳолда сотиб олиш, сотиш ёки алмаштириш тушунилади. Валюта қимматликларини сақлаш ва ташиш ҳолатлари ўзича валюта қимматликларини ноқонуний олиш ёки ўтказишни ташкил этмайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлигини аниқлашда далилларга асосланмасдан, маъмурий жавобгарлик юз берганлиги ҳақида барвақт хулоса қилган.

Кассация инстанцияси суди ҳам С.Нурмановнинг шикояти важларини тўлиқ текшириш орқали суд томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўрмасдан, қарорни ўзгаришсиз қолдирган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 321-моддаси иккинчи қисмига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун орган (мансабдор шахс) томонидан ишнинг тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши, орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ва ушбу кодекс Махсус қисмининг қўлланилган нормалари ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юриш қоидаларининг жиддий бузилиши, қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Ушбу кодекснинг 271-моддасига кўра,

маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса, тугатилиши лозим.

Шунга кўра, суд маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ва аломати бўлмаганлиги сабабли биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, маъмурий иш бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан иш юритишни тугатишни лозим топди.

2018 йил 15 январь куни Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан Нурманов Санжар Тургуновичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман судининг 2014 йил 27 ноябрдаги ва Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2015 йил 5 январдаги қарори бекор қилиниб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 170-моддаси билан С.Нурмановга нисбатан тўпланган маъмурий иш ҳужжатлари бўйича ушбу кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан иш юритиш тугатилди.

Нурманов Санжар Тургуновичга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324-моддасига асосан тўланган жарима суммаси ҳамда мусодара қилинган валюта қимматликларини қайтариш юзасидан Тўрткўл туман маъмурий судига мурожаат қилиши ҳуқуқи тушунтирилди.

Назорат иши № МИБ-848-17

Суд қарори ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги суд қарорини бекор қилиш ёки ўзгартиришга асос бўлади.

Сурхондарё вилоят маъмурий судининг 2017 йил 2 ноябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган, Олтинсой туман маъмурий судининг 2017 йил 9 октябрдаги қарорига кўра, Н.Абдуллаева Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси биринчи қисми ва 200-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган деб топилган ҳамда унга нисбатан ушбу кодекс-

нинг 61-моддаси биринчи қисмига кўра, 149 775 сўм маъмурий жарима, 200-моддасига кўра, энг кам иш ҳақининг 2/1-қисми 74 887 сўм 50 тийин маъмурий жарима тайинланиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 34-моддаси қўлланилган ҳолда узил-кесил 149 775 сўм маъмурий жарима жазоси тайинланган.

Суд қарорига кўра, Н.Абдуллаева 2017 йил 20 август куни Олтинсой туманидаги "Сунатулла Қорабоевич" фермер хўжалигининг боғидан узумни ўғрилиқ йўли билан талон-торож қилиб ва С.Шаметовга тегишли "Сунатулла Қорабоевич" фермер хўжалиги ер майдонининг 0,85 гектарини ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда эгаллаб олган.

Н.Абдуллаеванинг шикоятда илгари ширкат хўжалигидан пай улуши сифатида ажратилган ер участкасида боғ ташкил қилганлигини, ушбу ер участкаси ҳозирда қайнукаси С.Шаметов томонидан ташкил қилинган "Сунатулла Қорабоевич" фермер хўжалиги тасарруфидаги ерлар ҳисобланишини, шу сабабли ушбу ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлиги тасдиқланмаслигини, узумларни ўзи парвариш қилиб келганлиги учун олганлигини, бу ҳаракатлари ўғрилиқ деб баҳоланмаслигини билдириб, суд қарорларини бекор қилишни сўраган.

Иш ҳужжатларига қараганда, Н.Абдуллаева узум боғи мавжуд ер участкасида оилавий деҳқон хўжалиги юритиб келган. Мазкур ер участкаси 2017 йилда "Сунатулла Қорабоевич" фермер хўжалиги тасарруфидаги ерлар ҳисобига ўтган.

Н.Абдуллаева ер участкасидаги узум боғида ўзи парвариш қилган узум меваларини ўзи эгалик қилиши мумкинлиги ҳақидаги фараз қилинган ҳуқуқларини амалга ошириб, ўзбошимчилик билан узум мевасини йиғиштириб, "Сунатулла Қорабоевич" фермер хўжалигига жиддий бўлмаган зарар етказиб, олиб кетаётганида ушланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддасига асосан ўзбошимчалик, яъни ўзининг ҳақиқий ёки на-

зарда тutilган ҳуқуқини фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига, давлат манфаатлари ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар ёки зиён келтирмаган ҳолда ўзбошимчалик билан амалга ошириш — фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ер участкаси ва унда мавжуд бўлган ҳосилга, ер участкасидан қонуний фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд бўлган "Сунатулла Қорабоевич" фермер хўжалиги ҳақли бўлган ва ер участкасидаги меваларни парвариш қилинганлиги ҳолати Н.Абдуллаевага ҳосилни тўсиқсиз олиб кетиш ҳуқуқини келтириб чиқармайди.

Шу боис Н.Абдуллаева ўзбошимчалик ҳуқуқбузарлигини содир қилганлигини суд тўғри аниқлаб, жавобгарлик тайинлаган.

Бироқ суд Н.Абдуллаеванинг ҳаракатларини оз миқдорда талон-торож қилиш деб нотўғри хулосага келиб, жавобгарликка тортган. Чунки Н.Абдуллаева ер участкасидан узум мевасини олишига унинг ҳуқуқи мавжудлиги ҳақидаги янглишилган фарази сабаб бўлган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 321-моддаси иккинчи қисмига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун орган (мансабдор шахс) томонидан ишнинг тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши, орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ва ушбу кодекс Махсус қисмининг қўлланилган нормалари ва маъмурий жавобгарлик назарда тutilган бошқа норматив ҳужжатлар ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши, қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Мазкур кодекснинг 276-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, ор-

ганлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Шунга кўра, аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, суд қарорларининг Н.Абдуллаевани Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси биринчи қисми билан айбдор деб топиш қисмини бекор қилиб, Н.Абдуллаеванинг ҳаракатларида оз миқдорда талон-торож қилиш ҳуқуқбузарлиги аломатлари йўқлиги сабабли маъмурий ишнинг ушбу қисми бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан иш юритишни тугатиш лозим.

2018 йил 19 февралда Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан Олтинсой туман маъмурий судининг 2017 йил 9 октябрдаги ва Сурхондарё вилоят маъмурий судининг 2017 йил 2 ноябрдаги қарорларининг Н.Абдуллаевани Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси биринчи қисми билан айбдор деб топиш ва унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари — 149 775 сўм миқдорида жарима жазоси тайинлаш қисми;

Н.Абдуллаевага Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 34-моддасига асосан узил-кесил 149 775 сўм миқдорида жарима қўллаш қисми бекор қилинди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишининг Н.Абдуллаевани Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси биринчи қисми билан айблагга оид қисми бўйича иш юритиш тугатилди.

Суд қарорининг Н.Абдуллаевани Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддаси билан айбдор деб топиш ва энг кам ойлик иш ҳақининг 2/1-қисми 74 887 сўм 50 тийин маъмурий жарима жазоси тайинлаш қисми ўзгаришсиз қолдирилди.

Назрат иши № МИБ-970-17

Даъвогар даъво муддатини ўтказиб юборган ҳолда тақдим этган даъво рад этилди.

2002 йил 1 ноябрь куни "Косонсой уй меҳнати" акциядорлик жамияти ва Косонсой туман мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Косонсой тумани кенгаши ўртасида олди-сотди шартномаси тузилган.

Мазкур шартнома шартларида "Косонсой уй меҳнати" акциядорлик жамияти ўзига тегишли бўлган Косонсой тумани, "Чуст" кўча маҳалласида жойлашган умумий ер майдони 0,38 гектар бўлган "Навдадан маҳсулот тўқиш" цехини кўшимча бинолар (бундан буён матнда кўчмас мулк деб юритилади) билан бирга Косонсой туман мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Косонсой тумани кенгашига (бундан буён матнда "Ватанпарвар" ташкилоти) 6 000 000 сўм қийматда сотишга, "Ватанпарвар" ташкилоти эса, кўчмас мулкни ушбу қийматда сотиб олишга келишишган.

Косонсой туман ҳокимининг 2003 йил 8 февралдаги 111-сонли қарори билан "Навдадан маҳсулот тўқиш" цехи эгаллаган 0,38 гектар ер майдони "Ватанпарвар" ташкилотига олиб берилган.

2017 йил 7 апрель куни кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи "Ватанпарвар" ташкилоти номига давлат рўйхатидан ўтказилган ва бу тўғрисида кадастр органи томонидан гувоҳнома берилган.

"Mador teks" масъулияти чекланган жамиятига 2013 йил 27 май куни берилган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада аввал 2000 йил 17 февралда Наманган вилоят адлия бошқармасида 0014441-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган "Косонсой уй меҳнати" очик қўшма акциядорлик корхонаси 2010 йил 15 январда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекция-

си томонидан 1792-сонли реестр билан "Уй меҳнати" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилиб, қайта рўйхатдан ўтказилганлиги, 2013 йил 26 майдаги 2499-сонли реестр рақами билан "Уй меҳнати" масъулияти чекланган жамияти номи "Mador teks" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилиб, қайта рўйхатдан ўтказилганлиги қайд этилган.

"Mador teks" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) ўзининг "Косонсой уй меҳнати" акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий вориси эканлигини, кўчмас мулкни сотишда акциядорларнинг розилиги олинмаганлигини, кўчмас мулк қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда тасарруф этилганлигини, Фуқаролик кодексининг нормаларига мувофиқ шартнома ҳақиқий эмаслигини баён қилган ҳолда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Ватанпарвар" ташкилоти билан тузилган 2002 йил 1 ноябрдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 24 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган. "Косонсой уй меҳнати" акциядорлик жамияти ва "Ватанпарвар" ташкилоти ўртасида тузилган 2002 йил 1 ноябрдаги олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 18 октябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ушбу иш юзасидан келтирилган протестда биринчи инстанция судининг 2017 йил 24 августдаги ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 18 октябрдаги қарорини бекор қилиб, қонунга мувофиқлаштириш сўралган.

Суд мажлисида иштирок этган даъ-

вогар вакиллари олди-сотди шартнома тузилишида қонун талаблари бузилган даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги ариза асосли равишда рад этилганлигини билдириб, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни сўрадилар.

Суд мажлисида иштирок этган "Ватанпарвар" ташкилоти вакиллари даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги ариза асоссиз равишда рад этилганлигини, кўчмас мулкдан сотиб олган пайдан буён фойдаланиб келинаётганлигини, қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилганлигини билдириб, суд қарорларини бекор қилишни, даъво ни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни сўрадилар.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, прокурорнинг суд қарорларини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориш ҳақидаги фикрини эшитиб, протестда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, куйидаги асосларга кўра иш бўйича қабул қилинган 2017 йил 24 августдаги ҳал қилув қарори ва 2017 йил 18 октябрдаги қарорни бекор қилишни, янги қарор қабул қилишни, "Ватанпарвар" ташкилотининг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни, даъво муддатини қўллашни, даъво ни қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган.

Даъвогарнинг даъво аризасида ўтказиб юборилган даъво тақдим этиш муддатини узрли деб топиш сўралган.

Даъво муддати ўтганлиги ҳақида низодаги тарафнинг (жавобгарнинг) аризасини кўриб чиқишда, биринчи инстанция суди даъво муддати ўтмаганлиги ёки талаб бўйича даъво муддати қўлланилмаслигини аниқласа ёхуд даъво муддати тикланиши (даъвогар-

нинг аризасига мувофиқ ёки ўз ташаббуси билан) лозим деган ҳулосага келса, даъво муддати ўтганлиги сабабли даъво ни рад қилиш тўғрисидаги жавобгарнинг аризаси қаноатлантирилмаганлиги ҳақида ажрим чиқариб, низо мазмунан кўриб чиқилишини эълон қилади. Бундай ажрим устидан шикоят қилинмайди, протест келтирилмайди.

Агар даъво муддати ўтган бўлиб, уни тиклаш ҳақидаги даъвогарнинг илтимосномаси қаноатлантирилмаса, суд даъво ни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилади. Бу ҳақда Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Ҳўжалик судлари томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 2015 йил 19 июндаги 282-сонли қарорида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво муддатининг ўтказиб юборилиш сабабини узрли деб топиш, яъни уни тиклаш масаласини муҳокама қилмасдан даъво ни қаноатлантириш ҳақида ҳулосага келган.

"Ватанпарвар" ташкилоти ўзининг эътироз хатида даъво муддати ўтказиб юборилганлигини асос қилиб, даъво ни қаноатлантиришни рад қилишни сўраган.

Биринчи инстанция суди Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 163-моддасига кўра, даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар рўйхати келтирилганлигига, шу жумладан, мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни (ушбу кодекснинг 231-моддаси), бартараф этиш ҳақидаги талабларига даъво муддати жорий этилмаслигига, низо акция эгасини акцияга эгалик қилиши билан боғлиқ эканлигига, ушбу кодекснинг 231-моддасида мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузилиш эгалик қилишдан маҳрум этиш

билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкинлигига (негатор даъво) асосланиб, даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида нотўғри хулосага келган.

Биринчи инстанция судининг юқорида келтирилган асосларга кўра, "Ватанпарвар" ташкилотининг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги талаби рад этилиши асоссиздир. Чунки шартномани ҳақиқий эмас, деб топиш талаби ФКнинг 163-моддасида назарда тутилган даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар жумласига кирмайди.

Бундан ташқари Янгиқўрғон туман маъмурий судининг 2017 йил 21 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг жавобгарга нисбатан берган Косонсой туман ҳокимининг 2003 йил 8 февралдаги "Косонсой уй меҳнати" АЖдан сотиб олинган бино ер майдонини "Ватанпарвар" ташкилоти туман кенгашига олиб бериш ҳақида"ги 111-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантириш даъвогар томонидан даъво муддати ўтказиб юборилганлиги сабабли рад этилган.

Демак, туман ҳокими ушбу қарори ҳам кучда эканлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

Қолаверса, биринчи инстанция суди даъвогар ва "Ватанпарвар" ташкилоти ўртасида 2002 йил 1 ноябрда тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қарор қабул қилишда 2014 йил 6 майдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 74-моддасига асосланган.

Ваҳоланки, тарафлар ўртасида 2002 йил 1 ноябрда битим тузилганда ушбу қонуннинг эски таҳрири амалда бўлган.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага

қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни у амалга киритилганга қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонуни содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини жорий этишни ёхуд кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар етказса, қонунга орқага қайтиш кучини бериши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатда судлар томонидан моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилган.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Апелляция инстанцияси судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини қўллаш ҳақида"ги 2007 йил 28 декабрдаги 173-сон қарорининг 17-бандида қуйидаги тушунтириш берилган: ХПК 166-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятда (протестда) баён этилган важлар билан чекланиб қолмайди ҳамда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини тўла ҳажмда, шу жумладан, процесснинг барча иштирокчиларига, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилган шахсларга нисбатан ҳам, шикоят қилмаган шахсларга нисбатан ҳам текширади. Апелляция инстанцияси судлари ишни кўришда биринчи инстанция суди томонидан иш ҳолатлари тўғри аниқланганлиги ҳамда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри қўлланилганлиги текширилиши зарурлигини эътиборга олишлари лозим. Суд шикоятнинг (протестнинг)

важлари билан чекланиб қолмаслиги сабабли, уни кўриш натижалари бўйича арз қилувчи сўраганидан ўзгача қарор қабул қилишга ҳақли. Шунинг учун ХПКнинг 169-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, апелляция шикоятда (протестида) суд томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ҳақидаги кўрсатма бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилади.

Ишларни апелляция тартибида кўришда судлар қонун бўйича биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ текширганлигини, суд аниқланган деб топган ҳолатларнинг исботланганлигини, суднинг ҳал қилув қароридан баён қилинган ҳулосалари иш ҳолатларига мувофиқлигини, моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилмаганлигини, мазкур нормалар тўғри қўлланилганлигини аниқлаши лозим.

Апелляция инстанцияси суд ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантилганлигини ишдаги мавжуд ҳамда ишни кўришдан олдин ёки кўриш вақтида ишда иштирок этувчи тарафлар ва бошқа шахслар томонидан тақдим қилинган, шунингдек, апелляция инстанцияси суди томонидан ишда иштирок этувчи ва бошқа шахсларнинг илтимосномаларига кўра талаб қилиб олинган қўшимча ҳужжатлар бўйича текширади.

Апелляция инстанцияси суди "Ватанпарвар" ташкилотининг апелляция шикоятда келтирилган важларга баҳо бермасдан, биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ текширганлигини, суд аниқланган деб топган ҳолатларнинг исботланганлигини, суднинг ҳал қилув қароридан баён қилинган ҳулосалари иш ҳолатларига мувофиқлигини, моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилмаганлигини, мазкур нормалар тўғри қўлланилганлигини аниқламасдан, ҳал қилув қаро-

рини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт ҳулосага келган.

Бундан ташқари апелляция инстанцияси суди ўз қароридан мулк баҳола-тилмаганлиги ва давлат мулкни тасарруф этиш ваколатига эга бўлган давлат органининг рухсатини олиш чоралари кўрилмаганлиги ҳақидаги ҳулосасини моддий ҳуқуқ нормалари билан асослантириб бермаган. Ваҳоланки, қонун ҳужжатларида акциядорлик жамиятининг мулкни баҳолатиш шартлиги ва давлат мулки бўлмаган кўчмас мулкни сотиш учун рухсат олиш назарда тутилмаган.

Суд томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарори моддий ва процессуал қонун нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқланган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Қайд этилган талабларга риоя этмаслик ХПКнинг 169, 188 ва 200-моддаларига мувофиқ ҳал қилув қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлади.

Ушбу ҳолатда судлов ҳайъати 2017 йил 24 августдаги ҳал қилув қарори ва 2017 йил 18 октябрдаги қарор судлар томонидан иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмасдан, далиллар талаб қилиб олинмасдан, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган ҳолда қабул қилинганлиги боис ушбу суд қарорларини бекор қилишни лозим топди.

"Косонсой уй меҳнати" акциядорлик жамияти ва Косонсой туман мудоффага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Косонсой тумани кенгаши ўртасида Косонсой тумани "Чуст" кўча маҳалласида жойлашган умумий ер майдони 0,38 гектар бўлган кўчмас мулкни тасарруф этиш тўғрисидаги олди-сотди шартномаси 2002 йил 1 ноябрь куни тузилган.

Битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабга, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умумий даъво муддати қўлланилади ҳамда даъво муддати фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ

қўлланилади. Бу ҳақда Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги нормаларни қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сон Қарорининг 11-бандида тушунтириш берилган.

Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра, умумий даъво муддати — уч йил.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Хўжалик судлари томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 2015 йил 19 июндаги 282-сонли қарорида тушунтириш берилган: даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади (ФК 153-моддасининг учинчи қисми).

Даъво муддати ўтганлиги сабабли даъво рад қилинган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида низодаги тараф даъво муддатини қўллаш ҳақида ариза берганлигини баён қилиши ва ушбу муддат ўтганлигини асослаши керак.

"Ватанпарвар" ташкилоти судга тақдим этган эътирозномасида 2002 йил 1 ноябрдан, яъни олди-сотди шартномаси тузилган кундан бери ушбу шартнома бўйича эътирозлар билдирилмаганлигини, даъво тақдим этиш муддати ўтказиб юборилганлигини билдириб, даъво муддатини қўллашни, даъвони рад этишни сўраган.

"Косонсой уй меҳнати" акциядорлик жамияти, яъни ҳозирги кундаги даъвогар 2002 йил 1 ноябрда олди-сотди шартнома тузилганлиги ва кўчмас мулк "Ватанпарвар" ташкилотига 6 000 000 сўм қийматда сотилганлигини билган. Чунки 2002 йил ноябрь ойида "Ватанпарвар" ташкилоти "Косонсой уй меҳнати" акциядорлик жамияти ҳисоб рақамига кўчмас мулк учун тўловни амалга оширган, 2002 йил 5 ноябрда далолатнома асосида "Косонсой уй

меҳнати" акциядорлик жамияти кўчмас мулкни "Ватанпарвар" ташкилотига топширган. Косонсой туман ҳокимининг 2003 йил 8 февралдаги 111-сонли қарори билан "Навдадан маҳсулот тўқиш цехи" эгаллаган 0,38 гектар ер майдони "Ватанпарвар" ташкилотига олиб берилган. Ушбу ҳолатлар ишдаги далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган. Ушбу ҳолатлардан даъвогар хабардор бўлмаслиги мумкин эмас.

Бундан ташқари суд мажлисида "Ватанпарвар" ташкилоти вакили мулк сотиб олингандан кейин унинг фойдаланишда бўлганлигини билдирди. Даъвогар олди-сотди шартномаси тузилганлиги ва мулк тасарруф этилганлигидан кейин хабардор эмаслигини исботлаб бермаган.

Даъвогар даъво тақдим этишнинг уч йиллик муддатини узрсиз сабаблар билан ўтказиб юборган. Яъни олди-сотди шартномаси тузилганлигига ва кўчмас мулк "Ватанпарвар" ташкилотига тасарруф этилганлигига 14 йил 8 ой муддат ўтганидан кейин судга даъво билан мурожаат қилган.

Ушбу ҳолатда судлов ҳайъати "Ватанпарвар" ташкилотининг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги аризасини асосли деб топиб, уни қаноатлантиришни, даъво муддатини қўллашни, даъвогарнинг "Ватанпарвар" ташкилотига нисбатан берилган "Косонсой уй меҳнати" акциядорлик жамияти ва "Ватанпарвар" ташкилоти ўртасида тузилган 2002 йил 1 ноябрдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

2018 йил 28 февраль куни Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан ушбу иш бўйича қабул қилинган Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий судининг 2017 йил 24 августдаги ҳал қилув қарори ва Наманган вилоят иқтисодий судининг 2017 йил 18 октябрдаги қарори бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинди.

"Ватанпарвар" ташкилоти Косонсой туман кенгашининг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилиб, даъво муддати қўлланилди.

"Mador teks" масъулияти чекланган жамиятининг "Ватанпарвар" ташкилоти Косонсой туман кенгашига нисбатан берилган "Косонсой уй меҳнати" акциядорлик жамияти ва "Ватанпарвар" ташкилоти ўртасида тузилган 2002 йил 1 ноябрдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилди.

1604-1703/387- сонли иш

Даъвогар томонидан талаб қилинган бой берилган фойданинг ҳисоб-китоби тўлиқ асослантирилиб берилмаганлиги сабабли ҳал қилув қарори ўзгартирилди.

"OMEGA KOMMUNAL SERVIS" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) "KOMPLIMENT AVTO TRANS" масъулияти чекланган жамиятига (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) нисбатан иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 3 407 170 сўм бой берилган фойда, 1 497 750 сўм адвокатлик хизмати ҳақини ундиришни, даъвогарга тегишли бўлган бинодан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 9 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган. Жавобгардан даъвогар фойдасига 3 407 179 сўм бой берилган фойда, 750 000 сўм адвокатлик хизмати ҳақи ундирилган. Жавобгар зиммасига даъвогарга тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 12-уй нотурар жой биносидан 20 кун муддат ичида чиқиб кетиш мажбурияти юклатилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 12 октябрдаги қарори би-

лан ҳал қилув қарорининг жавобгардан даъвогар фойдасига 750 000 сўм адвокатлик хизмати ҳақи ундириш қисми бекор қилинган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ушбу иш юзасидан келтирилган протестда суд қарорларини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштириш масаласи қўйилган.

Судлов ҳайъати даъвогар ва жавобгар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг суд қарорларини бекор қилиб, даъвонинг 1 536 795 сўм бой берилган фойдани ундириш ҳамда бинодан мажбурий тартибда кўчириш қисмини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, протестда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, протестни тўлиқ қаноатлантиришни, суд қарорларини ўзгартиришни лозим топди.

Аниқланишича, кадастр ҳужжатлари ҳамда "Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида" 2014 йил 7 февралда берилган ТА 2050970-сонли гувоҳномага кўра, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 12-уй, Хонзодабегим кўчаси, 9-уй, Ойбек кўчаси, 44, 46, 48-уйларда жойлашган, умумий майдони 121 кв.м. бўлган иккита бинонинг бир қисми умумий улушдаги мулк ҳуқуқи асосида, шунингдек, "Ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида" 2014 йил 7 февралда берилган О'У 650825-сонли гувоҳномага кўра, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 12-уй, Хонзодабегим кўчаси, 9-уй, Ойбек кўчаси, 44, 46, 48-уйларда жойлашган, умумий майдони 4914 кв.м. бўлган ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида даъвогарга тегишлидир.

Даъво аризасида жавобгар даъвогарга тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Туркистон кўчаси, 12-сонли кўп хонадонли уйдаги умумий фойдаланишдаги 13 кв.м.дан ибо-

рат бўлган бинодан (бундан буён матнда объект деб юритилади) ижара шартномаси тузмасдан 2014-2017 йиллар давомида ўзбошимчалик билан фойдаланиб келганлиги натижасида даъвогар зарар кўрганлиги ҳақида ваз келтирилган.

Жавобгар томонидан объект бўшатилмаганлиги ва ижара ҳақи тўланмаганлиги сабабли тарафлар ўртасида низо келиб чиққан.

Фуқаролик кодексининг 164-моддасига мувофиқ мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни барта раф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Фуқаролик кодексининг 14-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Судлар томонидан низони ҳал этишда иш учун аҳамиятли ҳолатлар ўрганилмаган, ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмаган, моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилган. Жумладан, биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво аризасига илова қилинган 3 407 179 сўм бой берилган фойданинг ҳисоб-китобида ушбу сумманинг 1 870 384 сўм қисми пенядан иборатлиги кўрсатилганини ўрганмасдан, жавобгардан даъвогар фойдасига 3 407 179 сўм бой берилган фойдани тўлиқ ундириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Ваҳоланки, Олий ҳужалик суди Пленумининг "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажарма-

ганлик учун мулкый жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 19-банди иккинчи ва тўртинчи хатбошиларида ололмайд қолган даромаднинг миқдори (бой берилган фойда), агар мажбурият бажарилганида, кредитор қилиши лозим бўлган оқилона харажатларни ҳисобга олиб аниқланиши шартлиги, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Шунинг учун судлов ҳайъати жавобгардан ундириш белгиланган 3 407 179 сўмни 1 536 795 сўмга ўзгартириш лозим деб ҳисоблади.

Ҳўжалик процессуал кодексининг 95-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат божи ставкалари"нинг 2-банди "а" кичик бандига кўра, мулкый тусдаги даъво аризалардан даъво баҳосининг 1 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, "б" кичик бандига кўра, мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризаларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи тўланади.

Биринчи инстанция суди даъвогар томонидан умумий даъво баҳосининг 3 407 179 сўм (бой берилган фойда) 1 фоизи энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлганлиги сабабли, 149 775 сўм давлат божи тўланганлигини инобатга олган бўлса-да, даъво талабининг жавобгарни даъвогарга тегишли объектдан мажбурий тартибда кўчириш ҳақидаги қисми бўйича 1 497 750 сўм давлат божи тўланмаганлигига эътибор қарат-

маган, давлат божининг ушбу қисмини даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда тарафлар зиммасига юклаш масаласини ҳал этмаган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Апелляция инстанцияси судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексини қўллаш ҳақида"ги 2007 йил 28 декабрдаги 173-сонли қарорининг 15-банди биринчи хатбошисида ишларни апелляция тартибида кўришда судлар қонун бўйича биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ текширганлигини, суд аниқланган деб топган ҳолатларнинг исботланганлигини, суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосалари иш ҳолатларига мувофиқлигини, моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилмаганлигини, мазкур нормалар тўғри қўлланилганлигини аниқлашлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг 750 000 сўм адвокатлик хизмати ҳақини ундириш қисмини бекор қилиб, даъво талабининг 1 497 750 сўм адвокатлик хизмати ҳақи ундириш қисми асослантирилмаганлиги сабабли, даъвонинг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топган бўлса-да, Пленум қарори тушунтиришига зид равишда 3 407 179 сўм бой берилган фойданинг 1 870 384 сўми даъво аризасига илова қилинган ҳисоб-китобда пенядан иборатлиги кўрсатилганлигига аҳамият бермасдан, даъво талабининг жавобгарни даъвогарга тегишли объектдан мажбурий тартибда кўчириш ҳақидаги қисми бўйича 1 497 775 сўм давлат божи тўланмаганлигига эътибор қаратмасдан, давлат божининг ушбу қисмини даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда тарафлар зиммасига юклаш масаласини биринчи инстанция суди ҳал этмаганлигини инобатга олмасдан, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини

ўзгаришсиз қолдириб нотўғри хулосага келган.

Шунингдек, даъвонинг ушбу қисми бўйича апелляция инстанцияси учун давлат божи ундириш масаласини ҳал этмасдан, хатоликка йўл қўйган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги қайд этилган талабларга риоя этмаслик қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши, судлар томонидан барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Хўжалик процессуал кодексининг 200-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Шунингучун 2018 йил 28 февраль куни Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан ушбу иш бўйича қабул қилинган Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2017 йил 9 августдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 12 октябрдаги қарори ўзгартирилди.

Ҳал қилув қарорининг "KOMPLIMENT AVTO TRANS" масъулияти чекланган жамиятидан "OMEGA KOMMUNAL SERVIS" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фойдасига 3 407 179 сўм бой берилган фойдани ундириш қисми 1 536 795 сўмга ўзгартирилди.

Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилиб, иш юзасидан 2017 йил 12 октябрда берилган ижро варақасининг 1 870 384 сўм қисми бўйича ундирув бекор қилинди.

1001-1706/4456-сонли иш

Оилавий қадриятларни авайлаб-асраш — келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз

Оила — ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак наслар учун бетакрор тарбия қўрғонидир. Шу боис, оила халқимизда қадим замонлардан муқаддас саналиб келган ва шундай бўлиб қолади. Зеро, халқнинг, миллатнинг келажаги айнан оила билан чамбарчас боғлиқ. Чунки ҳар бир инсон оилада туғилади ва вояга етади. Ҳар бир боланинг келажакда ким ва қандай инсон бўлиб камол топишида оила муҳим ўрин тутади.

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Олий суд раиси ўринбосари

Жамият ҳаётининг раванқи, даражаси, сифати кўп ҳолларда оиланинг қай даражада ҳаётга қобиллигида намоён бўлади. Жамият оилаларнинг мажмуидир. Шунинг учун жамиятнинг аҳволи билан оиланинг ҳоли бир-бирига чамбарчас боғлиқ¹.

Мамлакатимизда барча хайрли ишлар, эзгу амаллар, аввало, оилаларнинг фаровонлигини, тотувлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш



ҳамда уларнинг ёруғ келажагини таъминлаш мақсадида амалга ошириб келинмоқда. Зеро, оилада шакланган соғлом муҳит фаровон турмуш, осуда ҳаёт тарзимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Истиклол йилларида мамлакатимизда оилани ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, уни миллий қадриятларимиз ўзининг теран ифодасини топган ҳақиқий тарбия ўчоғига айлантиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Айни чоғда, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали меҳа-

низмини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатаётгани.

Давлатимиз раҳбари Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашудаги нутқида таъкидланганидек, **ўтган бир йил давомида биз халқимиз, жумладан, хотин-қизлар билан мулоқот олиб боришни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Шу асосда қишлоқ ва шаҳарларимизда уйма-уй юриб, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим яратилди.**

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги

фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этди. Фармонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила институтини мустаҳкамлаш, унинг жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини янада ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга кўмак бериш, эрта никоҳлар, ажрашишлар ва аёллар жиноятчилигининг олдини олишга етарлича эътибор берилмагани оқибатида ажрашишлар сони йилдан йилга ошиб бориб, 2017 йилда бу кўрсаткич 31 мингдан зиёдни ташкил этган. Бунинг оқибатида асосан, аёллар ва болалар жабр кўриб, улар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари кўп учраётганди.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармонида шу каби муаммоларни ҳал этиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Жумладан;

биринчидан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг янгиланган тузилмалари тасдиқланиб, штат бирликлари ҳамда ходимларининг ойлик иш ҳақи оширилди;

иккинчидан, уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фа-



олият юритиши учун зарур шароитлар яратилмоқда;

учинчидан, шу йил 1 апрелдан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилмоқда. Оилавий муносабатларни яхшилаш, низоли вазиятлар, ажралишлар, барвақт никоҳларнинг олдини олиш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси бўйича доимий иш олиб бориш йўлга қўйилаётгани жамият ҳаётида таҳсинга сазовор ҳолат ва бу албатта, ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Мазкур Фармон ижроси доирасида судларда кўрилган никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар ҳамда бири-биридан айро яшаётган кўплаб эр-хотинлар, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ва жойларда аҳоли билан ўтказилган очиқ мулоқотлар орқали оилалар мустаҳкамлигини

таъминлашдек муҳим мақсадимизга эришишга ҳалал берадиган бир қатор омилларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Маълум бўлишича, бунинг сабаблари асосан қуйидагилардан иборат:

1. Ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр бўлмасдан туриб, оила қуришлари;

2. Оила маъсулиятини чуқур ҳис этмаслик;

3. Ичкилик, наркотик моддаларни истеъмол қилиш, жиноят содир этиш;

4. Чет таъсирлар, яъни оилага аралашувлар ва интернет тармоқлари, номуносиб, ёт оилавий муносабатлардан олинган салбий таъсирлар, эр-хотиннинг бири-бирига хиёнати ажралишларга сабаб бўлмоқда.

Эътибор қилинг, оилалар барбод бўлишига энг кўп таъсир этаётган ҳолатлардан бири — ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслигидир. Буни қуйидаги ҳолатда кўриш мумкин:

никоҳланувчи ёшларнинг руҳий ва маънавий жиҳатдан оила қуришга тайёр эмаслиги уларнинг оила ҳақида қатъий тасаввур-тушунчага эга эмаслигида ҳамда эр-хотин ва уларнинг ҳуқуқ-бурчлари нимадан иборатлигини билмаслигида намоён бўлмоқда.

Ўғлини уйлантириш ёки қизини турмушга беришда аксарият ота-оналар кўпроқ уларнинг ёшини ҳисобга олиб, "бошини иккита қилиш" ҳақида қарор қабул қилади. Ўғил ёки қиз оила қуришга, эр-хотин бўлиб бирга турмуш кечиришга, бир оила бўлиб яшашга тайёрми, улар эрнинг ҳаққи, хотиннинг ҳаққи нимадан ибо-

ратлигини биладими-йўқми, деган саволлар эса, афсуски, жавобсиз қолаверади.

Ёш куёв ёки келин кимдан сабоқ олиши лозим, уларни оилавий ҳаётга ким тайёрлаши керак?

Албатта, биринчи ўринда ўғлини уйлантириш ниятидаги — ота, қизини турмушга узатаётган — она ушбу масалага беэътибор қарамаслиги, ўғил ёки қизнинг оила қуришга тайёрми-йўқлигини аниқлаши, шундан кейингина тегишли маслаҳату насиҳатлар бериши лозим.

Бу борада улуғ аллома Абу Ҳомид Фаззолийнинг "Мукашафат-ул қулуб" ("Қалблар кашфиёти") асарида "Хотиннинг эридаги ҳаққи", "Эрнинг хотинидаги ҳаққи" тўғрисида муфассал тушунтириш берилган



бўлиб, уларни ўқиш ва уқиб олиш ҳар қандай оила учун бир умрлик дастурамал бўлиши шубҳасиз.

Мазкур рисолада аллома қизларни турмушга тайёрлаш масаласига тўхталар

экан, "Узатиладиган қизига оид ота-онага тушадиган вазифалар ҳам бор. Улар қизларига, эрга текканидан кейин эри билан яхши яшаш, унга гўзал ахлоқ билан муомал қилиш йўллари йўргатишлари лозим", деб қайд этган ва ўша даврда яшаб ўтган аёллардан бири Фазорий қизи Асмонинг эрга узатилаётган қизига берган қуйидаги ўғитларини келтирганлар:

"Қизим, шу кунгача яшган уянгдан чиқиб, нотаниш бир уяга, билмаган-танимаган, ҳеч қачон ҳамсуҳбат бўлмаган бир одам билан бирга яшашга кетяпсан. Сен у одамга дўст бўл, Ер (тупроқ бўл), у одам сенга Осмон бўлсин, сени ҳимоясига олсин. Сен унга тўшак бўл, у сенга суянчиқ (устун) бўлсин. Уни ҳеч қачон хафа қилмаки, у ҳам сени хафа қилмагай. Ундан узоқлашмаки, сени унутмасин. Агар сенга яқинлашмоқчи бўлса, сен ҳам унга яқинлаш. Агар сендан узоқ туришни истаса (яқинлашишни истамаса), сен ҳам узоқ тур. Унинг бурнини, қулоғини ва кўзини ҳурмат қилиб асра: сендан доим муаттар ҳидлар анқиб турсин. Сендан доимо ширин ва гўзал сўзлар эшитсин, қулоғига ифлос сўзлар кирмасин. Сени доимо гўзал кўрсин"².

Ўз навбатида, замондош аллома Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ёзма меросига мурожат қиладиган бўлсак, биргина "Бахтиёр оила" номли рисоласида кўплаб ҳикматлар мужассам топганини кўра-миз.

Ушбу рисолада баён



этилган оила билан боғлиқ шариат қоидалари, никоҳ, маҳр, мустаҳкам оилани вужудга келтириш, эр ва хотиннинг ҳаққи ва бирининг иккинчиси олдидаги бурчлари, фарзандлар тарбияси, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, оилани авайлаб-асраш, оила бузилишининг олдини олиш борасида муфассал тушунтиришларни оила қураётган навқирон йигит-қизларимиз ҳам, уларга тарбия берган ва тўйларининг бошида турган ота-оналари ҳам бирдек билиши даркор. Чунки ана шу солиҳ шарҳу талқинларга амал қилиниши, ўз ўзидан, юртимизда мустаҳкам оилалар тузилишини кафолатлайди ва ҳар қандай оиланинг бахтли ҳаёт кечиришини таъминлайди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, айти шу — ёшларни оила қуришга тайёрлаш масаласи ҳам Президенти-мизнинг "Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида назарда тутилган ва бу борада Фармон талаби бўйича амалдаги оила қонунчилиги тако-

миллаштирилаётгани ҳам айни муддао бўлди.

Нега деганда, мустаҳкам оила барпо этилишида муҳим масалалардан бири, бу — бўлажак куёв ва келин турмуш қуришдан олдин бир-бирининг одату-қизиқишлари, характери, фикр доираси, дунёқарашини кўпроқ ўрганиши учун имкон яратишдан иборатдир. Бунинг учун Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш хоҳишида бўлганлар учун белгиланган 1 ойлик муддат ўрнига ариза берилганидан сўнг камида 2 ёки 3 ойлик муддат белгиланиши лозим, деб ўйлаймиз. Бу муддат фикримизча, оила қуриш ниятида бўлган ёшларнинг бир-бирини ўрганиб, оила қуриш-қурмаслик масаласида тўғри қарорга келишлари учун, яъни мустаҳкам оила қурилишига ишончли замин яратишга хизмат қилади.

Амалдаги Оила қонунчилигига кўра, никоҳ ёши эркаклар учун — 18 ёш, аёллар учун — 17 ёшдир. Назаримизда, никоҳга кирувчи аёллар ёшини — 18 ёш, эркаклар ёшини 21 ёш этиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳам мустаҳкам оила қўрилишида муҳим омил бўлиши муқаррар.

Чунки авваламбор, 17 ёшда қизларнинг қўпчилиги жисмоний ва руҳий-маънавий жиҳатдан ҳали турмуш қуришга тайёр бўлмайди. Айни пайтда юртимизда 17 ёшда турмушга чиқаётганлар камчиликни ташкил этади, демакки, бундай ўзгартириш истиқболда ҳам бирон-бир муаммони келтириб чиқармайди.

Қолаверса, эркакларнинг никоҳ ёшини 21 ёш этиб белгилаш таклифига келсак, худди шу ёшга келиб йигитларимиз том маънода ўз мустақил фикрига эга бўлади ва оилани таъминлаш учун маълум бир касбкорга эга бўлади, шунингдек, бу ёшда уларнинг масъулият ҳисси ҳам ортади.

Суд жараёнларида маълум бўлишича, 18-19 ёшда уйланган йигитларнинг кўпчилиги оиласи билан боғлиқ ҳар қандай масалада ота-онаси фикрига таяниб қарор қабул қилади ва ҳатто турмуш ўртоғи билан бир оила бўлиб яшаш масаласини ҳам "ота-онам нима деса, шу" деб, ота-онасига ҳавола қилади. Ажралишларга сабаб сифатида эса, асосан хотини айтганини қилмаётгани ва характерлари тўғри келмаётганини сабаб қилиб кўрсатадилар.

Кези келганда, эркак ва хотин кишининг характери турли хил бўлиб, бир-бирига тўғри келмаслиги илмий жиҳатдан исботланганига ҳам эътибор қаратиш зарур³. Бу ҳолатни муаммога айлантириш маъсулиятсизликдан бошқа нарса эмас. Масъулиятсизлик никоҳдаги эр-хотиннинг бири иккинчисига ён бермаслиги, ҳар бири фақат ўзини ҳақ деб билиши, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаши, фарзандлари тақдирига эса, мутлақо бефарқ қарашидан иборат бўлиб, алал-оқибат оилалар барбод бўлишига сабаб бўлмоқда.

Оила кодесида эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбу-

риятлари, она-она сифатида уларнинг вояга етмаган фарзандлари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Ота-она фарзандни дунёга келтирганидан кейин унга ғамхўрлик қилиш ва комил инсон сифатида вояга етказишга масъулдир.

Ёшларни оила қуришга тайёрлашда ушбу масалага эътибор қаратиш, уларнинг бир-бири олдидаги, бўлажак фарзандлари олдидаги масъулият ва бурчлари нимадан иборат эканини қонун ҳамда шариат қоидалари асосида тушунтириш ҳам ўз самарасини беради.

Эр-хотин ажрашгач, улар ўртасида уй-жой низоси, кимнинг, яъни асосан хотин ва болаларнинг қаерда яшаши масаласида низо келиб чиқаётгани ҳеч кимга сир эмас. Амалдаги қонунчилик талабига кўра, агар эр-хотин биргаликдаги никоҳлари даврида орттирган уй-жойлари мавжуд бўлса, бу муаммонинг қонуний ечими топилади: уй-жойни улар ўртасида бўлиб бериш имконияти мавжуд бўлади.

Эр-хотин номида уй-жой мавжуд бўлмаган ҳолатда эса, муаммонинг қонуний ечими йўқ. Ажрашган эрнинг отаси номидаги уйни бўлиб бериб бўлмайди. Бунда фойдаланиш тартибини белгилаб, ажрашган келинни шу уйда қолдириш ҳам оқилона ечим бўла олмайди. Чунки эр-хотин муносабатлари бузилгач, собиқ келин ва набираларга нисбатан ота-она муносабати ўзига яраша бўла-

ди. Уйдаги ноилиқ муносабат, носоғлом муҳит, ўзаро жанжаллар вояга етмаган фарзандлар тарбиясига, ажрашган аёл-она руҳиятига салбий таъсир етказиши табиий.

Бу борада нима қилмоқ керак, муаммонинг ечимини қаердан излаш лозим?

Оила кодексининг эр-хотин мол-мулкининг шартномавий тартибига бағишланган алоҳида 6-боби 29-моддасида никоҳ шартномаси ҳақида тушунтириш берилган. Ушбу нормада никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёки эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланиши белгиланган.

Амалдаги қонунчилик талабига кўра, никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ шартномасига кўра, эр-хотин биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир.

Эр-хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкӣ шартномлар

тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек, никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкӣ муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли.

Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, Оила кодексининг 31-моддасида қайд этилганидек, муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шарт-шароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин. Афсуски, айтилган пайтда никоҳ шартномаси тузиш ҳолатлари жуда кам бўлиб, "никоҳ шартномаси тузиш бизнинг менталитетимизга, шариат қоидаларига тўғри келмайди", деган хато тушунча ҳам мавжуд.

Шариат қоидаларига кўра, аёл кишини никоҳига олувчи эркак "махр" бериши шарт. Қуръони карим оятлари ва шариат қоидаларига кўра, уйланганда берилган маҳрни ажрашаётганда қайтариб олиш мумкин эмас.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф қайд этганидек, "ақди никоҳ бўлиши билан маҳр бериш вожиб бўлади, берилганда ҳам, куёв томонидан чин қалбдан чиқариб берилиши талаб этилади ва маҳр келиннинг шахсий мулки бўлади.

Ўзига турмуш йўлдоши бўлаётган шахсдан, ҳали бирга бўлмасдан туриб, маълум миқдорда мулкни



қабул қилиб олган келинда ўзига бўлган эҳтиром туйғулари жўш уради. Ҳам келинда, ҳам уларнинг яқинларида куёвга нисбатан ишонч кучаяди. Келажакда келиннинг молиявий таъминоти ўз жойида бўлишига никоҳда кўзлари етади...

Шу билан бирга, маҳр бераётган эр ҳам ўзининг эрлигини, оиланинг оғирлигини зиммасига олиши лозимлигини, келинга меҳрмурувват кўрсатиши кераклигини, оила қуриш ўз-ўзидан бўлаверадиган нарса эмаслигини англаб етади. Аслини олганда, келинга маҳр бериш орқали куёвга бўлажак оила раҳбарига ўзининг яхши ниятини, оиласи ва аёлига молу дунё сарфлашдаги ҳимматини намойиш қилишга йўл очилади"⁴.

Бу қайдларни келтиришдан мақсад шуки, "никоҳ маҳри ва никоҳ шартномасининг иккиси ҳам бир хил нарса", дея уқтириш эмас, балки "никоҳ шартномаси тузиш бизга тўғри келмайди" деган фикр-тушунча но-

тўғри эканини далиллашдир.

Энди никоҳ шартномасини тузишнинг нима зарурати бор, деган саволга тўхталамиз.

Биринчидан, ушбу шартномани тузиш орқали эр-хотин ўзининг мулк хуқуқлари ҳимоясини кафолатлайди. Масалан, никоҳ даврида аёлнинг никоҳгача олган уйи сотилди ва ундан келган маблағ рўзгор харажатларига сарф қилинди ҳамда эр-хотин эрнинг уйида биргаликда яшашни давом эттиришди, дейлик. Вақт ўтиб тарафлар никоҳдан ажралишди. Мол-мулкни бўлиш вақтида умумий фойдаланишда бўлган эрнинг уйи никоҳга қадар унга тегишли бўлганлиги учун эрнинг эгалигида қолди. Аёлнинг мулк хуқуқлари эса, бундай ҳолларда ҳимоясизликка дучор бўлади.

Ана шундай ноқулай вазиятга тушмаслик учун никоҳ шартномаси тузиш ва унда бир тарафнинг уйи рўзгор сарф-харажатлари учун сотилганида иккинчи тарафнинг уйдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш тартибини аниқ кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, никоҳ шартномасининг тузилиши никоҳ тугатилгандан кейин ҳам собиқ эр-хотинлар ўртасидаги мулк муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин тутди. Яъни шартномада мулк муносабатларга оид қоидаларнинг батафсил акс эттирилиши кейинчалик юзага келадиган мулк билан боғлиқ низолар, келишмовчиликларни судгача,

тинч йўл билан ҳал этиш имкониятини яратади. Бу билан аёлнинг ўз фарзандлари билан ижарада яшаб, турмуш ўртоғи билан судлашиб юришининг олди олинади.

Никоҳ шартномаси нечоғлик мукамал ва қонун талаблари асосида тузилса, эр-хотин ўртасидаги мулк баҳс-мунозаралар кам содир бўлади, турли саволлар, муаммоларнинг ечими тез ва осон ҳал этилади.

Энг муҳими, никоҳ шартномаси тузиш орқали соғлом ва мустаҳкам оила барпо этилади.

Айтайлик, ўртаҳол оила фарзанди бўлган йигит ва бой-бадавлат оиланинг ягона фарзанди бўлган қиз бир-бирига кўнги қўйиб, турмуш қуриш ниятида бўлишса, қизнинг ота-онасида йигит уй-жой, автомашинага ва бошқа бойлигига эгалик қилиш мақсадида қизига уйланмоқчи бўлаётганлиги борасида шубҳа туғилиши табиий.

Шундай ҳолатда, йигит ва қиз никоҳ шартномаси тузиб, унга ҳар ким ўз мулкига эгалик қилиши борасидаги келишувни киритиб, қизнинг ота-онасига тақдим этиши уларнинг бу борадаги салбий фикрларига барҳам беради ва соғлом оила бунёд бўлишига олиб келади.

Шунинг учун оила қуриш ниятида бўлган ёшлари амалдаги оила қонунчилиги талабларини билиши ва никоҳга кирувчиларга қонун асосида берилган ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланиши лозим. Бу, албатта,

соғлом ва мустаҳкам оила юзага келишида муҳим омил бўлади.

Никоҳ шартномаси тузиш оила мустаҳкамлигининг гарови ва кафолати сифатида тавсия этилади. Зеро, никоҳ шартномаси эр-хотин ўртасида ишончсизлик эмас, балки бир-бирига ва оилага нисбатан масъулият ҳиссини уйғотади⁵.

Оила мустаҳкамлигининг яна бир муҳим омили — оила билан боғлиқ асрий кадрятлар, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат-иззат асосига қурилган муносабатларни авайлаб-асраш ва кейинги авлодларга етказишдир. Бу жамиятнинг барча аъзоларига тегишли бурчдир.

Халқимизда "Онасини кўриб, қизини ол", деган мақол бор. Бу пурҳикмат сўзларнинг асл маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг замирида — она тарбияли бўлса, қизи ҳам тарбияли бўлади, деган оддий ҳақиқат, аниқ маъно мужассамдир.

Қайсики оилада ўзаро ҳурмат, тартиб-интизом мавжуд бўлса, шу оила фарзандлари тарбияли бўлиши, оила қургач, яхши яшаб кетиши табиий. "Қуш уясида кўрганини қилади", деб бежиз айтилмаган. Шунга кўра, фарзандни оилавий ҳаётга тайёрлашда аввало ота-она шахсий намуна бўлиши жуда муҳимдир.

^{1, 3, 4} қаранг, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Бахтиёр оила, Тошкент-2013, 247-249-б; 107-108-б.

² Абу Хомид Ғаззолийнинг "Мукашафат-ул қулуб" 2-жилд, 260-270 б.

⁵ қаранг "Никоҳ шартномаси-оила мустаҳкамлигининг гарови" Олий суд қўланма, Тошкент - 2016 й.

Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони 8-бандига асосан 2017 йил 1 июндан бошлаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати фаолияти йўлга қўйилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс

унга қандай ўзгартишлар киритилди?

Муҳамматали НАЗАРОВ,
Олий суд судьяси

Айтиш керакки, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг олдинги таҳририда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиб, ҳал этиш маъмурий ишлар бўйича судьялар ваколатига кирган. Бироқ бундай лавозим амалда мавжуд бўлмаган ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари жиноят ишлари бўйича судлар судьялари томонидан кўриб чиқилган.

Бугунги кунда маъмурий судлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни кўриб чиқиб, ҳал этиш ваколатига эга бўлди.

Шу муносабат билан Олий суд томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 18 декабрда қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатининг 2017 йил 20 декабрдаги қарори билан маъқулланди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 29 январь кунини имзоланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Аввало, бу ўзгартишларга кўра, кодексдаги "маъмурий ишлар бўйича судлар" деб кўрсатилган моддалар "маъмурий судлар" деб ўзгартирилди.

Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддаси 2-қисмида жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб, бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкинлиги белгиланган. Янги қонун билан ушбу қоидага аниқлик киритилди, яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддаси 2-қисми **"Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки**

жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин" деган тахрирда баён этилди.

Бундан ташқари ушбу кодекснинг амалдаги тахрири 281-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомасининг шакли ва мазмунига доир талаблар белгиланган. Аммо унда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага илова қилинадиган меъёрий ҳужжатлар назарда тутилмаган. Жумладан, кодекснинг 282-моддасидаги "бошқа ҳужжатлар" деган ибора қандай ҳужжатларни назарда тутилаётганига аниқлик киритмасди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага илова қилинадиган ҳужжатларнинг тўлиқлигини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни асоссиз қайтаришнинг олдини олиш, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ўз вақтида кўриб чиқишни таъминлаш мақсадида кодекснинг 282-моддасига зарур ўзгартишлар киритилди. Яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага илова қилинадиган ҳужжатларнинг аниқ рўйхати белгилаб қўйилди.

Айтиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг эски

тахририда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланса, иш материалларини қайтариш асослари ва тартиби ҳамда суд қарорининг кучга кириш пайти аниқ белгиланмаганди.

Бу, ўз навбатида, амалиётда турли хил муаммоларни келтириб чиқараётган эди.

